ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ф-60794
Рес. ихтисос. ва ахборот ЎзССР

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси — *1931 йилдан чиқа бошлаган* — **1994 йил 29 июнь, чоршанба** — № 31 (6618). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон — Туркия: ҳамкорликнинг кўлами ва самарали янги босқичига қадам қўйилди.

Таълим-тарбия тараққиёт ўзагидир, — дейди Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот бўйича маслаҳатчиси Муҳаммад Магди Дайф.

Дунёқараши, тафаккур тарзи, бадиий услуби жиҳатларидан Хўжаназар Ҳувайдо Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Боборахим Машраб каби йирик адабий сиймоларга яқин туради.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни — мустақил Ватанимизнинг равнақи учун сидқидилдан хизмат қилаётган журналистлар, ношир ва матбаачилар, радио, телевидение, ахборот агентлиги ходимларини 27 июнь — касб байрамингиз муносабати билан самимий қутлайман.

Ўзбекистонда умумбашарий қадриятларимизни, халқимизнинг миллий ғурурини тиклашда, юртимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, давлатимизнинг халқаро обрў-эътибори, мавқеи ва шарафини мустаҳкамлашда сизларнинг улкан ҳиссангиз бор.

Сизнинг она юртимиз истиқболини кўзлаган ҳаққоний сўзингиз истиқлол йўлида бунёдкорлик билан машғул халқимизни руҳлантириб келаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамиз учун қадрдон она юртимиз — Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги, иқтисодий, маданий тараққиёти йўлида хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улуғ, муқаддас мақсаднинг фидойилари — сизларга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва шарафли меҳнатингизда муваффақиятлар, ҳаётингизда омад тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК !

27 июнь — Матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами арафасида бир гуруҳ журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ҳукуматимизнинг юксак унвонлари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Жумладан газетамиз фахрийси Ашурали АҲМЕДОВ Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Заҳматкаш ҳамкасбларимизни барча "Маърифат"чилар номидан юксак мукофот билан қизғин муборакбод этамиз!

***

Матбуотчилар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўз нашрларининг жамоаларини байрам билан қутлаб, бир гуруҳ журналистларни "Халқ таълими аълочиси" нишони фахрий ёрлиқлар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлади.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан 25 июнь куни пойтахтимизнинг "Меҳрижон" маданият ва истироҳат боғида байрам сайли ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги ҳамда бир гуруҳ матбуот ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Байрамда китоб савдоси ва кўргазмаси ташкил этилган, таниқли ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, фан, маданият ва табобат илми вакиллари билан учрашувлар бўлди. Ёш шоирларнинг мушоираси ўтказилди. Санъаткор ва қизиқчиларнинг чиқишлари байрамга янада файз бағишлади.

Эртаси куни "Туркистон" саройида ҳам бу байрамга бағишлаб катта дастурда концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

Мунаввара опа талабалик чоғларимизда бизга Ўзбекистон адабиёти тарихи фанидан сабоқ берганлар. Унинг маърузаларини шундай берилиб тинглар эдикки, гўё бутун вужудимиз қулоққа айланиб кетар эди, ғазал ўқиганларида она алласини эшитгандек роҳатланар эдик.

Ўшанга ҳам, мана 18 йил бўлибди...

Биз суйган устоз М. Ёқуббекова бугун филология фанлари номзоди, Андижон давлат институтининг доценти. Лекин ҳали ҳам ўша-ўша, кўзлари ҳамиша кулиб туради, талабаларининг аъло баҳоларга ўқишларини истайди. "Ахлоқий тарбиянинг ибтидоси", "ИННШО билим ва саводхонлик мезони", "Ўзбек тили ва адабиётидан тест машқлари", "Ассалом, Наврўз", "Бешиклар олиб келойин, алла" каби рисолалари устозлар ва шогирдлар орасида қўлма-қўл бўлиб ўқилган. Ўзлари бахтли бир оиланинг бекаси, Наргизахон ва Сардоржонларнинг куйинчак бир онасидир.

К. ЎЛМАСОВ олган суръат.

ЭЛ МАНФААТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда Тошкент шаҳрида, шу жумладан, шаҳар бозорларида савдони ташкил этишнинг аҳволи ва Давлат солиқ қўмитасининг савдо-сотиқ фаолияти билан машғул юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш борасидаги ишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги, шунингдек, алоқадор вазирликлар, идоралар, концерн ва уюшмалар раҳбарлари ушбу йиғинда иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Ислом Каримов йиғилишни очар экан, мамлакатимиз катта тарихий воқеа арафасида турганини, мустақилликнинг белгиларидан бири бўлган миллий валютага ўтиш жуда масъулиятли ва мураккаб иш эканини қайд этди. Ана шу сабабли биз миллий пулимизни жорий этиш олдидан у амалга киритилганда вазият қандай бўлишини яна бир карра чуқур ўйлаб кўришимиз, т гишли чораларни амалга оширишимиз лозим, деди Президент. Ўтган даврда бу борада катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Биз миллий пулни мустаҳкамлаш учун бажариладиган ишларнинг уч йўналишини аниқлаб олдик. Булар — истеъмол бозорини сифатли моллар билан тўлдириш, пул муомаласи молия тизимини тартибга солиш ҳамда мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтира боришдан иборат. Йиғилишда янги пул жорий этилиши осон кўчиши учун тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди. Маълумки, жаҳон тажрибасида янги валютага ўтишнинг дастлабки пайтида фуқароларда беҳаловатлик, таҳлика зоҳир бўлиши кузатилган. Янги пул барқарорлашгач, бу ҳолат тезда ўтиб кетади. Ислом Каримов мамлакатимизада бу даврнинг ғоят қисқа кечишини таъминлашга эришиш зарурлигини таъкидлади. Ана шу сабабли бозордаги нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасига тушиб олган баъзи олибсотар ва чайқовчиларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш, уларнинг пайини қирқиш лозимлигини уқтирди.

Бозор иқтисодиёти савдо тизимига эркинлик берилишини, унинг хусусийлаштирилишини тақозо этади, деди жумладан Президент. Шу боис, биз бу соҳага қулай имкониятлар яратиб бердик. Ишлаб чиқариш, савдо хизматини яхшилаш борасида талай ишлар қилинди. Буларнинг бари истеъмолчи, яъни мамлакатимиз фуқароларига яратилган қулайликлардир. Бироқ бу эркинликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, олибсотарлик йўлига ўтиб олган баъзи нопок кимсалар дўконлардаги маҳсулотларни олиб, уларни бир неча карра қимматига пуллаш, шу йўл билан текин даромад топишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида дўконларда сотилиши лозим бўлган моллар ўша "чаққон"лар қўлига ўтиб кетяпти. Бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Чунки бу ерда оддий меҳнаткашнинг, истеъмолчининг манфаатларига катта зиён етказиляпти.

Кўчаларда ёш-ёш болалар олибсотарлик билан шуғулланаётгани ғоят ачинарлидир. Бу ёшлар ўзларининг маънавий камолини ўйлаши лозим бўлган бир пайтда ана шу ишлар билан машғулдирлар. Бунга табиий ҳол деб қараш маънавиятимизга катта зарар етказиши ҳеч гап эмас. Ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла қўмиталари фаолияти орқали бундай кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олишга эришиш даркор.

Айрим шахслар тегишли ҳужжатсиз, давлат санитария идораси рухсатисиз сифати ноёб озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш билан шуғулланмоқда. Бу фуқароларимиз соғлигини хавф остига қўяётир. Йиғилишда шу ўринда Давлат солиқ қўмитаси ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармаётгани таъкидлаб ўтилди. Ваҳоланки, бу қўмита ўз ишини амалга ошириш учун етарли ваколатларга эгадир.

(Давоми иккинчи бетда).

АМИР ТЕМУР БЮСТИ

Ғаллаорол туманига қарашли Амир Темур номидаги 25-ўрта мактабда билим даргоҳини 1974 йил битириб чиққан ўқувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Собиқ синфдошлар қадрдон мактабларига Амир Темур бюстини ўрнатишда жонбозлик кўрсатишган эди. Собиқ битирувчиларнинг учрашуви ана шу ёдгорликнинг очилиш маросимига тўғри келди. Унда туман ҳокими Т. Умрзоқов, Халқ демократик партияси туман қўмитасининг котиби Х. Абдуллаев ва бошқалар иштирок этишди.

Кеча сўнггида мактаб директори А. Тошбеков собиқ ўқувчиларга кўрсатган хизматлари учун миннатдорчилик билдирди.

Иброҳим ЭШОНҚУЛОВ.

Халқ таълими ва ҳокимият

МАКТАБ — ҚУТЛУҒ ОСТОНА

Баҳодир Болтабоев,
Андижон вилояти Олтинкўл тумани ҳокими:

Туман мактаблари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди

Республикамизнинг мустақилликка эришуви, ҳукуматимиз томонидан энг зарур ва нуфузли ҳужжатлар қаторида "Таълим тўғрисида" Қонун қабул қилиниши, юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқ таълимини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари ҳақида айтган ибратли фикрлари бутун мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам элимизнинг, хўжаликлар, барча ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг халқ таълимига нисбатан муносабатини анчагина ўзгартириб юборди. Зеро, таълим тўғрисидаги ҳар бир ғамхўрлик буюк келажагимиз учун яратилажак заминдир.

Туманимиз 1978 йили Андижон туманидан алоҳида бўлиб ажралиб чиққан эди. Ўша пайтда барча катта қурилиш ташкилотлари у ёқда қолиб кетган экан. Бу муаммо туманимиз меъморчилигини ривожлантиришда, қурилиш борасидаги талаб ва эҳтиёжларни қондиришда бирмунча қийинчиликлар туғдирди. Сирасини айтганда, райондаги фаол кишиларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли булар енгиб ўтилди. Ҳозир қурилиш ташкилотларимиз фаоллашди, мутахассисларимиз, ишчи кучлари ҳам етарли, вақт ўтгани сари бу томондан имкониятларимизни янада мустаҳкамлаб бораяпмиз.

Аммо, ҳаммага маълумки, кейинги пайтларда қурилиш материаллари бироз тақчил бўлиб қолди. Натижада бошлаб қўйилган кўпгина қурилишларни вақтинча тўхтатиб туришга тўғри келаяпти. Лекин бу ерда янги ўқув йилига тайёргарлик, мактаб ва боғчалар биноларини капитал, жорий таъмирлаш ишлари ҳам бор-ку. Ахир, ўйлаб кўрсак, бунга ҳам анчагина маблағ, материал кетади. Нарх-наво эса ошиб бораяпти. Таъмирлашни умуман тўхтатиб бўлмайди, негаки, ўғил-қизларимизни янги ўқув йили бошланишида оҳори кетган биноларда кутиб олиш яхши эмас.

Бу муаммолар бизни туман халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят ҳокимиятидаги масъул кишилар билан бамаслаҳат иш тутишга даъват этди. Натижада ишни жуда барвақт бошлашга, бутун ўқув йили давомида жадал олиб боришга тўғри келди. Мактаб ва боғчаларда тежамкорлик йўлга қўйилди. Ҳар бир жиҳоз, ўқув-техника қуролларини авайлаб сақлаш устидан назорат ўрнатувчи жавобгар шахс тайинланди. Синган-бузилган стол-стуллар, бошқа анжомлар мактаб устахоналарида зудлик билан таъмирланди. Ортиб қолган кўмирларнинг усти сувалиб, янаги йилга олиб қўйилди. Биноларнинг чакана таъмир ишлари ҳам вақтида бажарилди. Энди натижани кўринг: туманимиз бўйича 6 та мактаб ва 5 та боғча янги ўқув йилини ҳеч қандай таъмирлашларсиз кутиб олаётир. Мен ҳоким сифатида ана шундай боғча ва мактабларнинг заҳматкаш жамоасидан жуда ҳам мамнунман. Биз бу тажрибани янада кенгроқ қўллаймиз.

Ички имкониятлар деганимизнинг иккинчи томони ҳам бор. Йил бошиданоқ биз мактаб ва боғчаларда тадбиркорликка катта эътибор бердик. Муаллимлар, тарбиячилар, хизматчилар ҳамда ўқувчилар жамоаси ҳунар ўрганишни йўлга қўйиш билан бирга секин-секин даромад ҳам топа бошлашди. Меҳнат билан топилган, хайр-эҳсон сифатида тушган пуллар фурсатида таъмирлаш ашёлари харид қилишга сарфланди. Шу йўл билан нарх-наво борасидаги қийинчиликларнинг олди бирмунча олинди.

Шу йил май ойида Балиқчи туманида вилоят бўйича йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда янги ўқув йилига тайёргарлик масаласи хусусида жуда кўп ибратли, даъваткор гаплар айтилди. Нарх-навонинг ўсиши ўқув йилига тайёргарликни эртароқ тугаллашга мажбур қилаётгани хусусида ҳам гап борди. Кейин биз туманимизда фаоллар йиғилишини ўтказдик. Ҳар бир мактаб ва боғчага бир ва иккитадан оталиқ ташкилотини бириктирдик. Махсус қарор қабул қилдик. Оталиқ ташкилотларга раҳмат, улар қўлларидан келганча ҳиммат кўрсатишди; ўз зиммаларига олган вазифаларини астойдил бажаришди.

Энди далилларга мурожаат қилайлик. 12 та мактаб капитал таъмирланди, қолганларида жорий ва чакана таъмир ишлари бажарилди. 670 дона синф тахтаси, 540 та стол, 9340 та стул, 17 минг кўргазмали қурол, 49 минг китоб яроқли ҳолга келтирилди. Бунда кўпроқ ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳашар йўли билан кўрсатган ҳимматларига таянилди. Тежамкорлик ва тадбиркорлик, мавоза усулидан фойдаланиш туфайли бу ишларга атиги 86 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Халқ таълими бўлимининг ишнинг кўзини билиши ва оталиқ ташкилотларининг ҳиммат кўрсатишлари туфайли эҳтиёжи кучли мактаблар учун қисқа вақтда 540 ўринли қўшимча синф хоналари қуриб, фойдаланишга топширилди. Уч миллион сўмликдан ортиқ турли ўқув воситалари ва хона жиҳозлари таълим муассасаларига етказиб берилди.

Қишки мавсумга ҳам ҳозирданоқ тайёргарлик кўришни бошлаб юбордик. Июнь ойининг бошидаёқ 2 минг тоннадан ортиқ кўмир жамғардик. 23 та иситиш тизимлари шай ҳолга келтирилди. 11 та мактаб ва боғча газлаштирилди.

Ҳаракатда — баракат, дейишади. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабой Халилов ва туманимиз бўлим мудири Маҳкамжон Солиев билан мавсум олдидан режалаштирилган вазифаларимизни ҳаёлдан ўтказсак, туманимизда мўлжалдагидан ҳам кўпроқ миқдорда иш бажарилибди. Бу — Олтинкўл элининг меҳнат шижоати билан эришилган ҳалол ютуқ деб биламан. Янги ўқув йилига тайёргарликни, билишимча, вилоятда биринчи, яъни 10 июнь куни, республикада эса биринчилардан бўлиб тугаллабмиз. Амалга оширган ишларимиз салмоғи ҳам чакки эмасга ўхшайди. Бу биз учун қувонарли, албатта. Аммо таълим-тарбия шундай жараёнки, ҳар янги авлод тимсолида янгиланиб, ривожланиб боради. Мутасадди кишиларнинг ҳам ҳаёт билан ҳамқадам бўлишларини тақозо этади. Уруғ қадасанг, бир йил ҳосил оласан, одоб ўргатсанг, минг йил мева терасан, дейди халқимиз. Биз учун мактаб бундан буён ҳам энг муқаддас даргоҳ бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

ИККИ ТАДБИР: ХУЛОСА БИР

Вазирликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқариб борди.

Кун тартибидаги биринчи масала — "Самарқанд вилояти умумтаълим мактабларида ўқув-тарбиявий жараённи компьютерлаштириш ҳамда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан ўқувчиларнинг билим даражалари тўғрисида" вазирлик давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси бошлиги Рустам Аҳлиддиновнинг ахбороти тингланди.

Вилоятнинг қатор умумтаълим мактабларида информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (ИҲТА) фанидан ўқувчиларга пухта билим бериш, ўқув-тарбиявий жараёнларни компьютерлаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Назорат ўтказилган Каттақўрғон шаҳрининг 45 фоиз ўқувчилари, Каттақўрғон туманининг икки мактаби бўйича 65 фоиз битирувчилар синов топшириқларини бажаришда яхши ва аъло натижалар кўрсатдилар. Шунингдек, вилоятнинг айрим мактабларида ИҲТА фанини чуқур ўргатиш, илк компьютер саводхонлик гуруҳларини, касбга йўналтирилган таълимни ташкил этиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Аммо вилоятнинг текширилган аксарият умумтаълим мактабларида ИҲТА фанидан ўқувчиларнинг билим даражаси ҳамда ўқув-тарбиявий жараённи компьютерлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳволи бугунги кун талабларидан орқада. Мазкур соҳадаги ижобий натижалар асосан бир қанча ташаббускор жамоалар ва ўқитувчилар меҳнати самарасидир.

Мавжуд аҳволнинг асосий сабаблари — бу ИҲТА фанини ўқитиш бўйича ўқув-методик таъминот яхши эмаслиги, ўқитувчиларни танлаш, малакаларини ошириш ва қайта ўқитиш жиддий йўлга қўйилмаганлиги, ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаси кенг оммалаштирилмаётганлигидадир. Вилоят таълим муассасаларида компьютер техникасидан оқилона фойдаланишмаяпти, уларни ишлатиш ва сақлашда талай муаммолар мавжуд.

Ҳайъат йиғилишида мазкур масала атрофлича муҳокама қилинди ва вилоятда ИҲТА фанини ўқитишни яхшилашга оид таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Таълим кенг кўламли соҳа. Унинг маълум бир даражасини белгиловчи мезонлар ҳам талайгина. Улардан энг муҳими ўқувчилар билимидир. Республика ўқув-методика маркази директори Шомухтор Шомансуров ўз ахборотида Жиззах вилояти умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билим даражаларини атрофлича таҳлил қилди.

Таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, назорат-синов жараёнида Жиззах шаҳри ва Дўстлик туманининг битирувчи синф ўқувчилари математикадан 70-72 фоиз, рус тили ва адабиётидан 75-78 фоиз, Зомин тумани ва Жиззах шаҳри ўқувчилари географиядан 64-65 фоиз, Жиззах шаҳри битирувчилари химиядан 65 фоиз натижа кўрсатишди. Бу, шубҳасиз, маълум маънода вилоятда ижодкор ўқитувчилар сафи ўсаётганлиги (зоминлик муаллима Ҳанифа Раҳматуллаева 1991 йилда, жиззахлик ўқитувчи Сарвар Муродов 1993 йилда "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови голиби бўлишди), республика мактаб ўқувчилари олимпиадасига тайёргарликка эътибор кучаяётганлиги (1993 ва 1994 йилларда 10 ўқувчи голибликни кўлга киритди) натижасидир.

Шунга қарамай, айрим фанлардан Фориш тумани, Жиззах шаҳри, Зомин ва Дўстлик туманида ўтказилган назорат-синовлар бир қатор мактабларда таълим ишлари замон талабларидан орқада эканлигини кўрсатди. Бунга, биринчидан, вилоят мактабларида салкам 24 фоиз ўқитувчиларнинг махсус маълумотга эга эмасликлари, иккинчидан, тоифали ўқитувчилар етишмаслиги, учинчидан, малака ошириш курсларига педагоглар етарли жалб этилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Ҳайъат йиғилишида ҳар икки масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу нарса алоҳида таъкидландики, ҳар икки вилоятда таълим-тарбиянинг бир қанча йўналишлари бўйича илгор иш тажрибалари мавжуд. Бу яхши. Бироқ таълим-тарбияда тўкисликка эришиш маорифнинг ҳар бир йўналиши бўйича мунтазам изланишни тақозо этади. Бинобарин, бошқа вилоят халқ таълими бошқармалари ҳам кўрилган масалалардан тегишли хулосалар чиқариб олишлари лозим.

Ҳайъат йиғилишида яна бир қанча муҳим масалалар кўриб чиқилди. Чунончи, "Янги турдаги таълим муассасалари ва ўқув тажриба-синов майдонлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Маълумки, 1-синф ўқувчилари 1995-96 ўқув йилидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўқий бошлайдилар. Шу муносабат билан ўрта умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган 20 номдаги дастур ва дарсликлар нашрга тавсия этилди. Шунингдек, "Одам ва унинг саломатлиги" фанидан яратилган дарслик тасдиқланди.

ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ТАРАҚҚИЁТ ЎЗАГИДИР



дейди Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот бўйича маслаҳатчиси Муҳаммад Магди Дайф

Жўшқин Нил бўйида жойлашган бу қадим юртни бежиз "мўъжизалар маскани" дея аташмайди. Ўша муҳташам эҳромлар қаршисида башар аҳли ҳануз ҳайратда. Неча асрлардан буён барчани лол этиб келувчи бу сир нимада? Унинг синоатлари закий ва заҳматкаш Миср халқининг қалбида, қонида, томирида. Ва у жўш уриб, суяк суриб, бугунги Мисрнинг келажак пойдеворлари сифатида намоён бўлаётир.

— Мустақиллик — улуғ неъмат. Бу нашиданинг тотли таъмидан баҳраманд бўлиб, Миср миллий тараққиётнинг довонларида илдам қадам ташламоқда. Аввало, суҳбатимизни шундан бошласак.

— Халқимиз 70 йилдан ортиқ вақт давомида Буюк Британия мустамлакачилари зулмида эзилиб келди. Миллий ҳақ-ҳуқуқларимиз, маънавиятимиз топталиб, моддий бойликларимиз талон-торож этилди. 1952 йилги инқилобдан сўнг, алҳамдулиллоҳ, истиқлол қуёши балқиб, заҳматкаш элимиз озодликка, мустақилликка эришди. Ўз тақдирини ўзи белгилай бошлади. Президент Ҳусни Муборак бошлиқ ҳукумат ўз сиёсатини мамлакат иқтисодини давр тараққиёти талаблари даражасига кўтариш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, унинг маданий савиясини ошириш томон йўналтирган. Босқичма босқич олиб борилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Ҳозирга келиб Миср Африка қитъасининг етакчи давлатларидан бирига айланди.

— Энди суҳбатимиз мавзунни газетамиз мавзуси томон бурсак-да, мамлакатдаги амалда бўлган таълим тизими ҳақида гапириб берсангиз.

— Таълим-тарбия жамият тараққиётининг ўзагидир. Зеро, юрт эгалари бўлмиш ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва мукаммал, давр тараққиёти билан ҳамқадам тарбиялаш эртамиз порлоқ бўлишининг кафолатидир. Шу боис, давлатимиз таълим-тарбия ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Президентимизнинг 1992 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган Халқ Конгресси ва Маслаҳат мажлиси чоғидаги баёнотида маорифнинг юксак ўрни кўрсатилиб, миллий тараққиётнинг асосий мезони сифатида таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатда бошланғич таълимдан олий таълимгача бўлган ўқув тизими мавжуд. Улардаги ўқитиш жараёни жаҳон андозаси талаблари даражасида олиб борилянпти. Ўқувчи бошланғич (5 йил), тайёрлов (3 йил) ва ўрта (3 йил) мактабни тугатгандан сўнг, олий ўқув юртлари (асосан дорилфунун) да ўқишни давом эттириши мумкин. Олийгоҳларда ўқиш 4 йилдан 7 йилгача.

— "Бола бошидан" дейишади. Бошланғич таълимга эътибор қандай?

— Президент Ҳусни Муборак кўрсатмалари билан бошланғич таълимда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Ўқув дастуридаги ортиқча фанлар олиб ташланиб, табиий фанлар, математика, хорижий ва ўз миллий тилимизга кенг ўрин берилди. Миллий тараққиёт ва болаликни ҳимоя қилиш ташкилоти раисаси, президентимиз рафиқаси Сузан Муборак даъвати билан таълим ишларини ривожлантириш масаласига бағишланган қурултой чақирилди. Унда бошланғич таълим дастурларидаги ижобий ва салбий жиҳатлар аниқланиб, дастурларга жамият хусусиятларини ифода этувчи йўналишлар тавсия этилди.

— Шу йўналишлар хусусида қисман тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, мактабгача тарбиянинг икки йиллик муддати ҳам асосий таълимнинг бир қисмига айлантирилиб, бу жараён ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб, жисмоний тарбия каби асосларни ўз ичига олади.

Бошланғич таълимнинг янги дастури бўйича ўқув жараёнининг 30 фоизи тарбиявий йўналишда, 70 фоизи эса ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб, миллий ва диний билимларни пухта эгаллашга қаратилади. Булардан ташқари синфларда рейтинг-имтиҳон синовларини ташкил этиш, ўқитувчилар тайёрлаш низомини мукаммаллаштириш, дарсликларнинг илмий-педагогик даражасини ошириш ҳақидаги масалалар ҳам кўтарилганки, буларнинг барчаси ёш авлодни саводхон ва комил инсон бўлишига, маорифимизнинг янада ривожланишига имкониятлар яратиб беради. Бошланғич таълимга эътиборнинг ўзига хослигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: бошланғич таълим тармоғидаги ўқувчилар сони 1992 – 93 йилда 6791128 нафарга етиб, 1990-92 йилдагига нисбатан 6,08 фоиз ортган. Ажратилган маблағ эса 8,8 миллиард Миср фунтига етиб, аввалгига нисбатан 332 фоиз кўп.

— Бугунги кунда Миср ва Ўзбекистон ўртасида маориф соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жанобларининг Қоҳирага ташрифи икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларга пойдевор қўйди.

1993 йилда ўзбекистонлик 76 ўқувчини ўз олийгоҳларимизга қабул қилган бўлсак, шу йилнинг февраль ойида 101 та толиби илм Ал-Азҳар дорилфунуни талабаси бўлди.

Ўтган йили Мисрдаги "Айн Шамс" дорилфунуни ректори, доктор Абдулваҳоб Абдулҳофиз бошчилигида бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон олий ўқув юртларида бўлишиб, бу ердаги ўқитиш жараёни билан танишдилар, ўзаро алоқалар хусусида шартномалар имзоладилар. Яқин кунлар ичида Бухоро дорилфунуни мударрислари Мисрга ташриф буюришади. Икки халқ ўртасидаги маърифий алоқалар миллий такомилимизга ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Асқар ШОКИРОВ.
"Маърифат" мухбири.



Суратда: Қоҳира давлат дорилфунуни.

ЭЛ МАНФААТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бозорларда ҳақиқий деҳқоннинг савдо қилишига йўл қўймаётган, у етиштирган маҳсулотларни арзон-гаровга сотиб олиб, бозорни атайин қиммматлаштиришдан манфаатдор гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Айрим маҳаллий ҳокимликлар, бозор қўмиталари бундай салбий ҳолга панжа орасидан қараб келяптилар.

Ислом Каримов юқорида қайд этилган вазиятни ўнглаш учун бозор қўмиталари ва Давлат солиқ қўмиталари ишини зудлик билан яхшилаш лозимлигини таъкидлади. Уларнинг фаолиятларини уйғунлаштириш, керак бўлса, бу ишга милиция органлари ходимларини жалб этиш зарурлигини уқтирди. Мазкур масалага ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш, амалдаги қонунчиликдан чекиниш ҳолларига йўл қўймасликка даъват этди.

Бозор — ҳаётимиз кўзгуси бўлиб қолиши керак. Биз бозорга бўлган қаролмаслигимизнинг боиси шундаки, фуқароларимиз маошларининг кўп қисмини шу ерда сарфлаяптилар, деди Президент. Айрим фуқароларимиз бизга нархларни эркин қўйиб юбориш мақсадга мувофиқ эмаслигини маслаҳат бериб мактуб ёзяптилар. Мен уларнинг ташвишини тушунаман. Дарҳақиқат, бозорни сифатли моллар билан тўлдирмасдан, ишлаб чиқаришда рақобатни қарор топтирмасдан бу ишни қилиш хатарли. Бироқ, биз бозор иқтисодиётини танладикми, нархларни эркинлаштиришга мажбурмиз, охир-оқибатда шунга келамиз. Бусиз маҳсулот мўл-кўллигига, фуқароларимиз ҳаётининг фаровонлашувига эришиб бўлмайди. Аммо, шуни унутмаслик керакки, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бозорни ўз ҳолига ташлаб қўйишни англатмайди. Биз Давлат солиқ қўмитаси ва бозор қўмиталари ёрдамида уни назорат қилиб, бу ерда тартиб ўрнатишимиз керак. Ислоҳотни амалга оширишда давлат ташаббускор бўлар экан, у ислоҳотнинг муваффақиятини таъминлашга масъулдир.

Йиғилишда Тошкентда ва республикамизнинг бошқа вилоятларида яхна ичимликлар билан савдо қилишдаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Айниқса, ёз мавсумида эҳтиёж юқори бўлган бу каби маҳсулотларни аҳолига етказиб бериш, уларнинг олибсотарлар қўлига ўтиб кетмаслиги чораларини кўриш лозимлиги уқтирилди. Бунинг учун ихтисослаштирилган дўконлар тармоғини кенгайтириш, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ушбу муаммони ҳал этадиган қўшма корхона қуриш, мавжуд корхоналар цехларини кенгайтириш имкониятлари ўрганилиши мақсадга мувоофиқ деб топилди.

"Ўзбексавдо", "Ўзозиқовқатсаноат", "Ўзбекбирлашув", республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга бу борадаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш чора-тадбирларини кўриш, турли йўллар билан шахсий бойлик орттириш пайида ислоҳотга тўсиқ бўлаётган айрим нопок гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ахборот берди. Шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, айрим вилоят ҳокимликлари ва бошқа алоқадор ташкилот раҳбарларининг жойлардаги аҳвол тўғрисидаги қисқача ахбороти тингланди. Тегишли комиссияга кўрилган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш вазифаси топширилди.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов ва Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Соғлом авлод учун

БОЛАЛАР СИҲАТИ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Ўтган жума куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорликда жамоат кучларини болалар соғлигини сақлаш учун жалб қилиш мавзусида симпозиум ўтказди. Унда Халқ таълими вазирлиги, шаҳар ҳокимияти ҳамда давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Симпозиумда Диарея (ич кетиш касаллиги) га қарши кураш, ёзги мавсумни кўнгилдагидек ўтказишга тўсқинлик қилаётган муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар ҳақида сўзга чиққанлар бафуржа гапиришди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири муовини А. Ёрқулов, ЮНИСЕФ вакиллари бошлиғи Х. Гартнер, республикамизнинг юқумли касалликлар бўйича бош шифокори Я. Худойбердиев ўз нутқларида ушбу касаллик тарқалишининг Ўзбекистондаги аҳволи, унинг манбалари ҳамда диареянинг олдини олишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини уқтириб ўтишди. Нутқлар юзасидан қизғин муҳокама бўлди.

Симпозиум сўнгида жамоат кучларини болалар соғлигини сақлаш учун жалб этиш тўғрисида Тошкент декларацияси қабул қилинди

Унда диареянинг Ўзбекистонда кенг тарқалмаслигини таъминлаш кўп жиҳатдан мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, жойларда тозаликка қатъий риоя қилиш ҳамда бутун жамоатчиликнинг республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги атрофида жипслашишига боғлиқлиги таъкидланган.

Шунингдек симпозиум иштирокчилари 24 июнни диарея касалликларига қарши кураш миллий куни деб эълон қилинишини таклиф этишди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

ХУШМАНЗАРА, ДИЛКУШО, ФАЙЗЛИ

Мактабларда қўнғироқ садолари тиниб, синфхоналар жимиб қолган пайтлар. Жўшқин таълим-тарбия ишларидан ташқари мактабнинг бошқа ташвишлари юзага чиққан, халқ таълими муассасаларини қуриш ва таъмирлаш қизғин даражада олиб борилаётган шу кунларда чарчаган, асаблари толиққан ўқитувчилар ҳам дам олиш тараддудида юрибдилар. Мазмунли ҳордиқ чиқарган ўқитувчигина катта куч-ғайрат билан янги ўқув йилини кутиб олиши табиий. Шу муносабат билан ўқитувчиларнинг ёзги дам олиши борасида яратиб берилаётган имтиёзлар, қулайликлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раисининг муовини Асқарали Султонов мухбиримиз Замира Тўлагановага қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Йил бўйи меҳнат қилиб чарчаган ўқитувчилар, барча халқ таълими ходимларининг дам олишларини мазмунли ташкил этиш ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келган. Жумҳуриятимиз ўқитувчилари мамлакатимизда бўлиб келган барча санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Улар Тошкент вилоятидаги "Турон", "Бўстон", "Чинобод", "8-март", "Ботаника", "Оқтош", Наманган вилоятидаги "Чортоқ", "Косонсой", "Ниҳол", Фарғона вилоятидаги "Чимён", Бухородаги "Ситораи Моҳи Хоса", Жиззахдаги "Зомин", Сирдарёдаги "Ҳавотак", Самарқанддаги "Абу Али ибн Сино", Қашқадарё вилоятидаги "Мироқи" каби ҳордиқ масканларига йўлланма олишлари мумкин. Булардан ташқари, вилоятлардаги бошқа тармоқ касаба уюшмаларига қарашли санаторий ва дам олиш уйларига уюшмалар қўмиталари томонидан ўзаро шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан ҳам йўлланма олишлари мумкин.

Бугунги кунда республикамизнинг халқ таълими тармоғида 8 та, яъни Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида 50 ўриндан 200 ўрингача бўлган санаторий-профилакторийлар ўқитувчиларга хизмат қилиб келмоқда. Буларнинг афзаллиги шундаки, ўз малакасини оширишга келган ўқитувчи бир йўла саломатлигини ҳам тиклайди, мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, ёзги таътил даврида тармоқ олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қошида санаторий-профилакторийларда профессор-ўқитувчилар қатори мактаб педагоглари ҳам ўз саломатликларини тиклашлари мумкин.

Ўқитувчилар учун мўлжалланган дам олиш уйлари ҳам уларга мунтазир. Айниқса, 1992 йилда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят касаба уюшмаси кенгаши вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан Хўжаобод туманида ҳашар йўли билан қурилган "Дилкушод" дам олиш уйи ҳақида гапириш ўринлидир. Барча қулайликларга эга бўлган бу сўлим оромгоҳда ҳозиргача бир ярим минг киши ҳордиқ чиқарди. Дам олиш маскани хушманзара, ҳавоси мусаффо, қулай ерда жойлашгани, малакали ва хушмуомалали хизматчилари туфайли кўпчиликка манзур бўлаяпти. Бугунги кунда "Дилкушод" дам олиш уйини янада кенгайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Яқин йиллар ичида қўшимча павильонлар қурилиши тугагач, бошқа вилоятларнинг ўқитувчилари ҳам бемалол ҳордиқ олаверадилар, деган умиддамиз. Ўқитувчилар учун республика бўйича ҳар йили қанча йўлланма ажратилади, деган савол туғилиши мумкин. Аввалги йилларда ходимларни йўлланма билан таъминлаш мушкулроқ эди. Энди эса республика бўйича ўқитувчилардан тушган ариза ва талабномалар асосида бу борадаги талаб ва истаклар имкон даражасида қондирилмоқда.

Йўлланма баҳолари ҳақида гапириладиган бўлса, ўқитувчиларга иложи борича енгиллик ва имтиёзлар яратишга ҳаракат қилиняпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг 1994 йил 15 февралдаги раёсати қарорига асосан йўлланма нархларининг қуйидаги миқдорлари белгиланган:

Йўлланманинг 10 фоизи — бепул;

20 фоизи — улар баҳосининг 10 фоизини тўлаш;

70 фоизи — улар баҳосининг 20 фоизини тўлаш.

Бундан ташқари, йўлланма баҳосининг 10 фоизи тўлаб олинадиган йўлланмалар ягона тариф сеткасининг 1-10 разрядлари бўйича иш ҳақи олувчи ходимларга берилади.

Халқимизни ижтимоий томондан муҳофаза қилиш вазифалари муваффақиятли амалга оширилаётган пайтда тармоқ касаба уюшмаси ходимлари ҳам хайрли ишларда ўз ғайрат-шижоатларини аямаяптилар. Халқ таълими соҳасидаги машаққатли касб эгаларининг ўқиши, меҳнат қилиши, дам олиб, саломатликларини тиклашлари йўлида касаба уюшмамиз Марказий Қўмитаси ҳам зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Тошкент давлат университетининг 75 йиллиги олдидан

ИЛМ МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

Тошкент давлат университети Маданият саройининг шарқона безатилган муҳташам зали яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди: Бу ерда Москва давлат университети ва Тошкент давлат университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди.

Беш йилга мўлжалланган (томонлар розилиги билан яна беш йилга ўз-ўзидан узайтирилиши мумкин), илм-фанни тараққий эттириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, малака ошириш, ахборот алмашиш, молиявий аҳволни мустаҳкамлаш каби муҳим бандларни ўзида мужассамлаштирган ушбу шартнома Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари ҳақида 1992 йил 30 майда имзоланган шартнома ҳамда 1993 йил 19 мартдаги аҳдлашув ижросининг яна бир ифодаси бўлди.

Шартномада ягона дастурлар, ўзаро битимлар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўқитиш ва билимларни назорат этишда тест материалларини алмаштириш, ўқитувчилар малакасини оширишни йўлга қўйиш, бир-бирига дарслик, қўлланма, методик ишланмалар, илмий, вақтли нашрлар юбориб туриш, қўшма корхоналар ташкил этиш, олимлар, ўқитувчилар, аспирант ва стажёрлар алмаштириб туриш, ҳар йили 2, 3, 4 курс талабаларини ўқишни битириш учун шерик ўқув юртига юбориб туриш ва бошқа режалар ҳам акс этган.

— Кейинги йилларда жамият ҳаётида тамоман янги вазият вужудга келди, — деди МГУ ректори, Россия академияси мухбир аъзоси В. А. Садовничий. — СССР парчаланиб, мустақил давлатлар вужудга келди. Биз бир-биримизни яхши ўрганишимиз, илмий, таълимий, ижодий ҳамкорликни кучайтиришимиз керак. Илм — таълим чегара билмайди, миллат танламайди, ўз табиатига кўра байналмилал. Илм-фанни ўз ҳолига ташлаб қўйган жамият муваффақиятсизликка маҳкум бўлади. АҚШда бир неча йил ичида университетлар сони икки баравар кўпайтирилди, кўп маблағ ажратилди. Бу тезда ўз самарасини берди. Россияда 700 ректордан иборат Ректорлар кенгаши тузилди. Таъсис съездига Президент табрик йўллади, бизни Ректорлар кенгаши раҳбариятини, бош вазир қабул қилди. Ректорлар — катта куч. Европа университетлари ассоциациясини таъсис этишда 22 университет (жумладан, МГУ, ТошДУ)қатнашган эди, ҳозир улар сони 600 га етди (Туркия ва бошқа мамлакатлар университетлари ҳам қўшилди). Ўтган сафар Ашгабатда йиғилиб, муаммоларни муҳокама қилган эдик.

Биз йиллар давомида шаклланган, сайқал топган, ўзини оқлаган классик таълим тизимини сақлаб қолишимиз, унга янги нафас киритишимиз, яроқсиз ҳолга келган нарсалардан халос этишимиз лозим. Таълимдек мураккаб жараёнда у ёқ-бу ёққа сакрайвериш яхши натижага олиб келмайди.

— Москва давлат университетининг обрўси, салмоғи наинки собиқ Иттифоқ, балки жаҳон университетлари орасида ҳам катта ва юксак, — деди академик Т. Ж. Жўраев. — Бунга М. А. Садовничий раис бўлган Ректорлар кенгаши мажлисларида қатнашиб, бир қанча мамлакатларда бўлиб, ишонч ҳосил қилдим. Масалан, Францияда бўлганимда Сарбонна университети ректори МГУни жаҳоннинг пешқадам университетларидан бири сифатида тилга олди. МГУ ва ТошДУ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик узоқ ва мустаҳкам. Шу ерда ўтирган деканлар, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар ичида МГУ билан бирор-бир жиҳатдан боғланмаган одамни топиш қийин. Ушбу ташриф, тузилган шартномадан кейин ҳар икки пешқадам олий ўқув юрти ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Академик Т. Жўраев В. А. Садовничийга ТошДУ фахрий доктори унвонини бериш ҳақида ТошДУ илмий кенгашининг қарорини ўқиб берди, ушбу дипломни топширди.

— Марказий Осиёнинг етакчи олий ўқув юрти, ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Тошкент давлат университетининг фахрий доктори бўлиш мен учун катта шараф, — деди Виктор Антонович. — Юртингиздан қадимда улуғ алломалар етишиб чиққан. Тошкент математика мактабининг донги кетган. Мен ҳам математикман. Академикларингиз М. Салоҳиддинов, Т. Жўраевлар билан бир семинардан чиққанмиз. Устозларимиз ҳам бир. Дийдорлашиб, суҳбатлашиб турамиз. Дўстлик, ҳамкорлигимиз миқёси янада кенгайиб борса деймиз. Бу ҳақда вазирларингиз О. У. Салимов билан бафуржа гаплашиб олдик. ТошДУ олимлари, талабаларига ижодий омадлар тилайман.

Меҳмонлар Самарқандда, Ургутда бўлишди, бетакрор меъморчилик обидаларимиз, қадриятларга, илм-фанга эътибор, одамларимизнинг қўли гуллиги, меҳмоннавозлигидан мутаассир бўлиб қайтишди, юртимиз, халқимиз шаънига кўп илиқ гаплар айтишди.

Сайди УМИРОВ.

Ҳунар-техника билим юртлари: қувончлар ва ташвишлар

ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

Шаҳрисабз туманидаги 32-ҳунар-техника билим юрти бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, ёшларга турли хилдаги касб сирларини ўргатиб келарди. Айни пайтда ҳам билим юртида ёшлар саккиз хил, яъни тракторчилик, чилангар-таъмирловчи, электр пайвандчилик, асаларичилик, тикувчи-бичувчилик, пазандачилик, ганчкорлик ва наққошлик, кулолчилик ихтисосликлари бўйича ҳунар ўрганишмоқда. Билим юртида таълим-тарбия ишлари давлат ва жамоа хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, завод-фабрикалар билан 1994-2000 йилларга мўлжаллаб тузилган шартномалар асосида олиб борилмоқда, ишчи ходимлар тайёрлаш ҳам шу корхоналарнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Эндиликда бизнинг туманимизда ҳам миллий ҳунармандчиликка эҳтиёж кучайиб боряпти. Маълумки, Шаҳрисабз ўзининг тарихий обидалари, дунёга машҳур бўлган ганчкор ва уста кулоллари билан донг чиқарган. Бироқ давр ўтиши билан санъатимизнинг ана шу нозик турлари йўқолиб бораётганди. Билим юртимиз жамоаси эҳтиёждан келиб чиқиб, ана шу касбларни қайта тиклашга, ёшларга ўргатишга аҳд қилди. Тегишли ташкилотлар билан келишиб, зарур шарт-шароит ҳозирланди, ўтган ўқув йилида эса ганчкорлик ва кулолчилик гуруҳлари ташкил этилди, моддий-техника базаси яратилди.

Айни пайтда ганчкорлик гуруҳлари учун ўқув устахонаси қурилиб, 20 тўпламдан иборат ганч асбоблари, 10 турдаги ганч қолиплари, нақшларнинг қоғозга чизилиб ишланган бир неча ўнлаб турлари, чизмалар мавжуд бўлиб, улардан даре жараёнида ўқув кўргазма қуроли сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Шулар қаторида талабалар ишлаб чиқариш амалиёти дарсларини шаҳар ва туманимиз ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширадиган корхоналарда ўтказяптилар. Бу даврда ишлаб топилган маблағнинг 25-30 фоизи билим юрти ҳисоби тушиб, илмгоҳнинг моддий базасини мустаҳкамлашга замин ҳозирланди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб талабаларнинг пухта билим олишларига, ҳунар сирларини моҳирона эгаллашларига алоҳида аҳамият берилаяпти. Чунончи, ўқув лаборатория ҳоналари, буюмларнинг технологик картасидан тортиб, ҳар хил гул чизмалар, нақшлар, картон қоғозга туширилган буюмлар тасвири, макетлар — буларнинг барчаси талабалар хизматида. Касбларни ривожлантириш учун ҳам бирмунча ишлар қилинди. Масалан, кулолчилик электр печкаси қуриб ишга туширилди Шу билан биргаликда оғирлиги 100 килограмм бўлган золдирли тегирмон ҳам тайёрланди.

Янги шароитда давлатдан берилаётган маблағ ҳисобига яшаш билан чегараланмай, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, моддий базани мустаҳкамлаш масаласи ҳам диққат марказимизда. Тўғриси, бизда яратувчи, ташаббускор, ўз ишини пухта биладиган уста ва мураббийларимиз кўпчиликни ташкил этади. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, ташаббускорларимиз ихтиро қилган жиҳозлар асосида махсус цех ташкил этдик. Айни пайтда бу цехдан кун оша ўрта ҳисобда 30-40 дона кулолчилик маҳсулотлари тайёрлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси шундаки, талабаларимиз тайёрлаган маҳсулотлар арзонлиги, сифатлилиги билан элга манзур бўлаяпти. Ҳар ойда ўртача 45-50 минг сўм соф фойда олинаяпти. Бир қарашда ҳозирги шароитда бу маблағ арзимас кўринади. Лекин гап унинг миқдорини ўстиришда бўлса, ташаббускор ва ихтирочи усталаримиз кун сайин изланиб, янги-янги моделларни яратишаяптилар. Муҳими, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашда керакли шарт-шароитни яратиб олдик.

Маълумки, республика Халқ таълими вазирлиги миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ўзбек халқининг бу соҳадаги бой анъаналари, удумлари ҳамда ўтмиш дурдоналарининг йўқолиб кетишининг олдини олиш, уларни қайта тиклаш борасида муҳим тадбирларни белгилаб бермоқда. Шунга кўра, вилоят ва тумандаги мутасадди ташкилотлар билан келишган ҳолда ҳунар-техника билим юртимизни миллий ҳунармандчилик лицейига айлантирадиган бўлдик. Бунинг учун барча тадбирлар ишлаб чиқилиб, керакли шароит ҳозирланди. Сирасини айтганда, ёшлар келажагини ўйлаб, касб-корликнинг янги қирраларини шакллантириш, яратувчанлик ва тушаббускорлик борасида билим юртимизда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш бўйича қилаётган ҳаракатларимиз, интилишларимиз яхши самара бераётган бўлса-да, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, мутахассисларимиз қийинчиликларга қарамай барча имкониятларни ишга солиб, ўз тажрибаларига таянган ҳолда, матбуотда ёзилаётган ҳамда жойлардаги тажрибаларни ўрганиб, таълим-тарбия ишларини олиб бораяптилар. Аммо миллий ҳунармандчилик турлари, айниқса, кулолчилик ва ганчкорлик мутахассисликлари бўйича дарслик ва дастурларнинг йўқлиги анчагина қийинчилик туғдираётганлигини сир тутиб бўлмайди.

Хулоса шуки, биз халқимизнинг бой анъаналарини рўёбга чиқарувчи, уларни қайта тикловчи, асрлар давомида бунёд этилган ва бугунги кунда умумхалқ мулкига айланиб қолган тарихий бойликларни асраб қолишга қодир бўлган мутахассис ишчи ворисларни етиштиришимиз лозим. Давр олдимизга ана шундай муҳим масалани кўндаланг қилиб қўйган экан, келажак учун ҳар бир мутахассис масъулиятни ҳис қилмоғи даркор.

Абдураҳим ЖАЛИЛОВ,
билим юрти директори.

• "Маърифат" хабарлари

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Мактабларда ўқув йили тугаши билан ўқитувчиларнинг "куни келди", дейишади кўпчилик. Бироқ бу даргоҳлардаги ёзги ишлар, югуриб елишу ташвишлар ўқиш давридагидан кам эмас. Чунончи, синфхоналарни қайта жиҳозлаш, таъмирлаш ва янгиларини қуришни жадаллаштиришда муаллим ҳам иштироқ этади.

Қамаши туманида ана шу юмушларни бажаришга йил бошидаёқ киришилганди. Шу кунгача тумандаги мавжуд илмгоҳларнинг асосий қисми қайта таъмирлашдан чиқарилди. "Оқработ" жамоа хўжалиги тасарруфидаги И. Раҳимқулов номидаги янги мактаб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ўнлаб қўшимча синфхоналар қурилиши ҳам ниҳоясига етмоқда.

Туманда маориф соҳасида қилинаётган бу каби ишлар вилоят миқёсида таққосланганда юқори кўрсатгичлар натижасини бераётганлиги педагогларимизни қувонтирмоқда. Албатта, бу билан мактабларимиз тўлиқ янги ўқув йилига тайёр бўлиб турибди, дейишга ҳали эрта. Олдимизда дарслик, ўқув қуроллари, ёзги таътилнинг қай йўсинда ўтиши каби муҳим юмушлар мавжуд. Шунга қарамай, хайрли ишга жиддий киришилганлиги, муаллимларимизнинг кимнингдир буйруғини кутиб турмасдан керакли ишни ўз вақтида амалга ошираётганлиги кўпчиликни қувонтирмоқда.

С. ОСТОНОВ,
74-мактаб директори.

РАҒБАТЛАНТИРИШ САМАРАСИ

Ғузор туманидаги мавжуд 70 та мактабда меҳнаткашларнинг 28584 нафар фарзанди таълим-тарбия олмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, ўтган ўқув йилида физика-математика фанига ихтисослаштирилган лицей, битта мактабда жисмоний тарбия ва кимё фанини чуқур ўргатадиган синфлар ташкил этилганди. Қисқа даврда бу билим ўчоқларида тарбия олаётган талабалар ўз қобилиятларини кўрсата бошладилар. Чунончи, якунланган ўқув йилининг ўзида 14 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича вилоят, республика олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишганди. Куни кеча туман ҳокими, ёшлар иттифоқи уюшмаси, туман халқ таълими бўлими ҳамда жамоа хўжаликлари, оталиқ ташкилотларининг ташаббуси билан ғолибларни рағбатлантириш бўйича алоҳида кенгаш бўлиб ўтди.

Ҳокимликда ўтказилган бу кенгашда олимпиадаларда иштирок этган ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ҳам қатнашдилар. Кенгаш сўнгида 14 нафар ўқувчининг ҳар бирига 70-80 минг сўмдан пул мукофоти, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Б. ДЎСТҚОБИЛОВ,
туман халқ таълими бўлими бош назоратчиси.

"ЁЛҚИН"НИНГ ҚИЗЛАРИ

Жума шаҳридаги 45-ҳунар-техника билим юртида бир неча йилдирки, ёшларга турли касблар бўйича сабоқ бериб келинади. Уларнинг ҳунар сирларини мукаммал ўрганишларида ўз фанининг билимдон мутахассислари, моҳир ва тажрибали усталар масъулиятни ҳис этиб иш юритаяптилар.

Илм масканида талабаларнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳам барча шарт-шароит яратилган, қизиқарли кечалар, турли мавзудаги тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий кеча ана шундай тадбирлардан биридир. Унда бўлажак чеварлардан иборат "Чақмоқ" ва "Ёлқин" гуруҳлари аъзолари ўзаро беллашиб, буюк алломалар ижодидан қанчалик воқиф эканликларини кўрсатдилар.

Беллашувда "Ёлқин" гуруҳи биринчиликни эгаллади. Маъсума Қиёмова. Зебо Боботоева, Мадина Тоштемирова, Дилафрўз Орипова каби билимдон қизлар совринли ўринларни қўлга киритиб, муносиб тақдирландилар.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.

ТААССУРОТЛАР КАТТА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш борасида Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жаҳон тиллари ва адабиёти кафедраси олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Яқинда илмгоҳда республикамизнинг турли вилоятларидан келган фан мутахассислари бир ойлик малака оширдилар. Тингловчиларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини мукаммал ўзлаштиришларида бу ерда ташкил этилган алоҳида хоналар, кўргазмали қуролларнинг ранг-баранглиги ҳамда дастурларнинг кўплиги ҳам қўл келди.

А. СОЛИЕВ.

Янги дарсликдан саҳифалар

ҲУВАЙДО

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, мутасаввуф шоирлар силсиласида Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо муҳим ўрин тутади. Ҳувайдо ўзининг манзил-макони, келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади:

Камнанинг оти Хўжамназардур,
Атосининг оти Ғойибназардур.
Насабда Ўшу мавлуди Чимённий,
Ғарибу хокисору дил паришоний.

Ушбу сатрлар Ҳувайдонинг исми, отасининг оти ҳақида, сулоласи асли ўшлик бўлиб, шоир Чимёнда туғилганидан далолат бериб турибди. Ҳақиқатан, Ҳувайдонинг отаси Ғойибназар Эрназар ўғли 1104 ҳижрий йилларда бир гуруҳ марғилонлик қариндошлари билан бирга Чимёнга кўчиб келган. У чимёнлик бир қиз билан оила қурган. Ҳувайдо шу оилада, шу масканда таваллуд топган. Ҳувайдонинг туғилган йили аниқ эмас. Қариндош-уруғларининг хотираларига суянсак, у тахминан, 1704 йили туғилган ва бу йил таваллуд топганига 290 йил тўлади. Ғойибназар Чимёнда нуфузли мактабдор эшон эди. У Қашқарда шуҳрат қозонган Офоқ Хўжа муридларидан бўлиб, пирига ихлос ва ҳурматининг рамзи сифатида ўғлига Хўжаназар исмини берган. Ҳувайдо шоирнинг адабий тахаллусидир.

Хўжаназар Ҳувайдо бошланғич таълимни Чимёндаги мактабда олди. Сўнг билимини такомиллаштириш мақсадида Қўқон мадрасаларида таҳсилни давом эттирди. Ўз маънавий оламини Шарқ мумтоз адабиёти, фалсафаси, ислом ва тасаввуф илми дурдоналари билан бойитди. Таҳсилни тугаллаб Чимёнга қайтгач, Ҳувайдо муаллимлик билан шуғулланди. Шарқ маърифатчилари, албатта, бирор ҳунарни эгаллаганлари сингари, Ҳувайдо тўқувчилик санъати билан ҳам машғул бўлди. Шоир умрининг асосий қисмини халқ таълимига бағишлаганини шоир Носеҳ шундай тавсиф этади:

Туб суҳбат давом умрин борича,
Баёрон таълим эрди фикру ёди.
Дабистонда саъй айлаб туну кун,
Ёзилгон неча толибнинг саводи.
Мунингдек олиҳиммат эр анодин
Ду ёора тутмагай дар ҳеч билоди.

Ҳувайдо умрининг охиригача Чимёнда яшади ва 1780-1781 йилларда вафот этди.

МЕРОСИ

Ҳувайдодан бизга бир девон мерос қолган. Ҳувайдо сулоласидан етишиб чиққан Сирожий, Салоҳиддин Соқиб, Самар Бону каби истеъдодли шоирлар адабиётимиз тарихида из қолдирганлар. Салоҳиддин Соқиб бобоси меросини мукаммал девон ҳолида шакллантириб, қайта кўчиртириб қолдирган.

Девон мутолаасида Ҳувайдо ғазал, мустазод, рубойи, чистон-ғазал каби руҳбоб шеър турлари, маснавий сингари эпик назм намуналарининг мумтоз устаси сифатида намоён бўлади. Ҳувайдо ғазалиёти, асосан, ошиқона, орифона руҳдаги ғазаллардан ташкил топган. Ошиқона ғазалларда ишқи комил йўлида инсоний камолот сари сабот билан интилувчи ошиқ кечинмалари ва қиёфаси таъсирчан тасвирланган. Орифона ғазалларда эса Ҳувайдо донишманд файласуф сиймо сифатида гавдаланади. Бундай ғазаллар инсонни маънавий камол топтирувчи сўфиёна маърифат ғоялари билан йўғрилганки, буни алоҳида таҳлил жараёнида кузатамиз.

Ҳувайдо мазмун-мундарижа, шаклий-бадиий жиҳатлардан мукаммал мустазодлар яратиб қолдирган. Мана бу байтлар билан бошланувчи асар шоирнинг мустазод битишдаги маҳоратини кўрсатувчи яққол намунадир:

Кўрдум туно кун кўчада бир моҳлиқони,
ҳайрон бўла қолдим,
Ҳуснидин ани кўнглум уйи топти зиёни,
раҳшон бўла қолдим.
Айдим: "Эй пари, қайда борурсан жадал айлаб?"
Аччиғланиб айтур:
"Шўхим, на сўрарсан, на ишинг бор бу замона?"
пазмон бўла қолдим.

Шоирнинг санъаткорлиги шундаки, руҳбоб мундарижани мустазод шаклида, воқеабанд услубда ифодалаб бера олган. Мустазоднинг моҳияти ошиқ ва маъшуқанинг учрашуви ҳамда шўхчан айтишувининг бадиий ифодасидангина иборат эмас. У тасаввуфий асар бўлиб, унда пир ва муриднинг мулоқоти, ишқ одоби ҳақидаги мунозара тимсолий тарзда акс эттирилган. Масалан, Нақшбандий тариқатидаги ошиқ ахлоқининг "Хилват дар анжуман" рашҳаси Ҳувайдо мустазодида бундай жило топган:

Хилватга кириб сўкди, менга қилди насиҳат:
"Мундоғ дема зинҳор,
Эл олдида бегонасифат очма забони", —
қурбон бўла қолдим.

"Насойим ул-муҳаббат"да Навоий ёзадилар: "Яна (Нақшбандийдан Н. Ж) сўрдиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин ҳақ субҳонаҳу ва таоло била. Байт:

Аз дарун шав ошнову ва-з берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон".

Ушбу форсий байтнинг мазмуни шундай: "Ички томондан маҳбуб билан ошно бўлгин, валекин ташқи томондан ўзингни бегонаваш тутгин. Яъни, севикли билан ички иттифоқда бўлмоғинг кифоя, муҳаббатингни эларо намойиш этишинг одобдан эмас. Шундай гўзал хулқ-атвор олам аҳлида камдан-кам учрайди". Ҳувайдо ўз байтига пирнинг муридга ана шундай сабоғини сингдирган.

Ҳувайдо рубоиёти ҳам фалсафий-рамзий маънолар билан суғорилган:

Эй, боғи назокатда қади сарв, юзи гул,
Ул юздин эрур ишқ эли чун қумрию булбул.
Райҳону бинафша хати зулфингни асири,
Шамшоду санубар қадинг олдида ики қул.

* Хурматли муштарий, шу рукндаги "Турдининг ҳаёти ва ижоди" сарлавҳали бешлабки мақола газетамизнинг 1994 йил, 12 январь сонида босилган эди. Сизларга тезроқ етказишни кўзлаб, муаллиф Турди ижодиёти ҳақидаги "Бир яқодин бош чиқориб" мақоласини "Халқ сўзи"нинг 25 январь сонида, "Субҳонқулихон шеър ёзганми?.." мақоласини "Ўзбекистон овози"нинг 1 февраль сонида эълон этди. Эндиги сабоқларни фақат "Маърифат"да ўқийсиз.

Ишқ элини қумрию булбулдек нола чектирган ул юз — илоҳий талъат тимсоли.

Ҳувайдо девонида учрайдиган чистон (жумбоқ) -ғазал ўзига хос санъат тури бўлиб, унда ҳарфлар ва уларнинг замирида яширинган рақамлар тасаввуфий тимсоллар вазифасини бажаради. Буни қуйидаги байт мисолида кўриш мумкин:

Боши — етмиш, юз — оёғ, уч юз баданлиқ қуш келиб,
Тан тузида мурғи жон сайд этмишин кўрдум букум.

Бир қарашда, байтда хаёлий бир манзара мужассамдек туюлади. Гўёки, етмиш бошли, юз оёқли, уч юз танали тасаввурга сиғмас улкан қуш келиб, тан мамлакатидаги жон қушини овлаб кетган эмиш. Лекин абжад ҳисобидан келиб чиқиб ушбу рақамларни ифодаловчи араб ҳарфларини жой-жойига ўринлаштирсак, жумбоқ ечилади. Мазкур уч рақамни ифодаловчи уч ҳарфдан иборат сўзни ясаш керак. Етмиш рақамини "айн" ҳарфи англатади ва у, шоирнинг ишорасига кўра, қушнинг бош қисмини ташкил этади. Юз рақамини "қоф" ҳарфи билдиради ва у қушнинг оёғи, демакки, охирги ҳарфи ҳисобланади. Уч юз рақамини "шин" ҳарфи изоҳлайди ва у қушнинг бадани, яъни сўзнинг ўртасига тушади. Шундай қилиб, "айн", "шин, "қоф" ҳарфларини бириктирсак, "ИШҚ" сўзи ҳосил бўлади. Демак, тан мулкидаги жон қушини овлаб, ўлжа тушириб кетган ИШҚ қуши экан. Ишқ саргузаштларини ҳарфий воситалар орқали тасвирлаш тасаввуфдаги ҳуруфийлик оқимининг услубига хос санъат бўлиб, у ҳам Ҳувайдо маҳорати аслаҳахонасидан ўрин олган экан.

Хўжаназар Ҳувайдонинг маснавий йўлида ёзилган "Роҳати дил" манзумаси ва "Иброҳим Адҳам" қиссаси машҳур бўлиб, улар ўз муаллифининг достоннавислик салоҳиятидан дарак берувчи ёдгорликдир. Бу асарлар Ҳувайдонинг ўзбек мумтоз пандномаси хазинасига қўшган муносиб ҳиссасидир. Шоирнинг ўзи "Роҳати дил" манзумасини шундай тавсифлайди:

Китобимнинг отидур "Роҳати дил",
Эрур ҳар бир сўзи танбеҳи ғофил.

Англашиладики, "Роҳати дил" ғофил юракларни насиҳат нурларидан мунаввар этувчи маърифий манзумадир.

Ҳувайдо меросига мансуб "Иброҳим Адҳам" қиссаси тасаввуфий руҳдаги асардир.

ДУНЁҚАРАШИ

Дунёқараши, тафаккур тарзи, бадиий услуби жиҳатларидан Хўжаназар Ҳувайдо Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навойи, Боборахим Машраб каби йирик адабий сиймоларга яқин туради. Уларни умуминсоний ғояларни куйлашдаги ҳамоҳанглик ҳамда тасаввуф маслагига эътиқод яқинлаштирган. Ҳувайдо дунёқарашида, айниқса, Яссавий ва Машрабга издошлик яққол сезилади. Илоҳий ишқнинг бу уч оташин ошиғи Оллоҳга муҳаббат боғлаш борасида бирлашадилар. Яссавий ўз ҳикматларида "Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема" тарзида нидо чекса, Машраб "Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, машрабо", дея бонг уради. Ҳувайдо эса уларга қуйидагича якдиллик изҳор этади:

Дунёда ҳою ҳавас қилмоқ абас,
Бир худодин ўзгани суймоқ абас.

Бу фақат бирхудолик, яъни Оллоҳни ягона ва барҳақ дея тан олиш — имон ҳақидаги гап эмас. Улуғ тақводорларнинг имонлари шак-шубҳадан холи. Аксинча, уларнинг имонлари шу қадар мукаммал эдики, пок, таъмасиз, риёсиз тақвога интила бориб, "бир худодин ўзга"сини рад этиш, ундан воз кечиш, кўнгил узиш мақомига эришганлар. Баъзи тоифадаги тақводорлар Оллоҳга сиғиниш баробарига дунё неъматларига, орзу-ҳавасларига, мансаб-мартабасига, шон-шуҳратига ҳам меҳр боғлаганлар. Оллоҳ уларнинг-да, омадларини берган. Бироқ ютуқларга эришган сари дунё ҳою ҳаваси кучайиб борган. Улар дунё ғамини еб, Оллоҳ ғамини унутганлар, дунёга муҳаббатлари рағбатланиб, Оллоҳга муҳаббатлари сусаяверган. Дунёнинг нақд манфаатларига фидо бўлиб, худога бахшидалик насияга айланиб қолган. Бу тақводорлар нопок, тамагир, риёкор кимсага айланиб бораётганларини сезмаганлар. Маккора нафс гирдобига тушиб қолганларини билмайин, ўз тақволарини Худо билан ҳисоб-китоб асосига қуриб олганлар. Бундай тақводорлар Исломнинг беш арконини расман тўла-тўкис адо этганлар, аммо, амалда, моҳиятда Худонинг ҳаққоний ошиғига, дўстига айлана олмаганлар. Негаки, манфаатпарастлик билан ҳисоб-китоб қилганлар, ислом ва шариат аҳкомларини суиистеъмол этганлар. "Мен Оллоҳнинг бирлиги ва барҳақлигига, Муҳаммад пайғамбар унинг элчиси эканлигига имон келтираман. Беш вақт намозни канда қилмайман. Рўза тутаман. Закот бераман. Ҳаж ибодатини бажараман. Шунинг эвазига Тангри мени жаннат билан тақдирлайди ва барча гуноҳларимни кечиради", — деган ўйлов билан иш тутганлар баъзи тақводорлар. Бир қарашда бунда шариатга хилоф ҳеч нарса йўқдек, у рисоладаги мусулмоннинг ҳаётий дастуридек туюлади. Аммо Яссавий, Машраб, Ҳувайдолар дунёқарашича, унда манфаатпарастлик, тамаъ бордек. Гўё бундай тақводорлар жаннатга тамагирлик, жаннатий ҳузур-ҳаловат манфаати билангина Тангрига ибодат қиладилар. Бундай тақво — риёкорликдир. Шунинг учун Ҳувайдо маслагидаги сўфийларни на жаннат ва ундаги ҳуру ҳузур-ҳаловатлар, на ҳавзи кавсар, на бошқа манфаатлар қизиқтирмаган. Улар фақат ва фақат Оллоҳ муҳаббати, висоли орзуси билан яшаганлар.

Ҳур ила жаннатинг нетай, анда юзингни кўрмасам,
Хаста Ҳувайдо оҳига ҳавз ила кавсаринг қуяр.

Уларнингча, Оллоҳга ибодат ҳар қандай тамаъ ва манфаатлардан холи, холис тақво бўлиши керак.

Риёсиз ҳам тамаъсиз тақвога интилиш, Оллоҳ муҳаббатини дилга нақшлаб, сидқидилдан ибодат қилиш Ҳувайдо дунёқарашининг асосий мезонларидан эди. Риёкор ва тамагир тақводорларни Алишер Навоий риё денгизида тамаъ кемасига тушиб олиб сузаётган шайх тимсоли воситасида танқид қилган эди. Сохта тақводор сувратини Боборахим Машраб бундай чизади:

Намозу тақвисин зоҳид қилур олам аро машҳур,
Ўгуруб субҳасин тинмай, ишн доим риё эрмиш.

Демак, намозхонлик тақвоси билан шуҳрат қозониш, тинмай тасбеҳ ўгириш ҳали ибодатнинг юзаки кўриниши бўлиб, фақат шу билангина чекланиш ҳам риё экан. Ҳувайдо устозлари фикрини ривожлантириб айтади:

Ёрни истар эсанг, махфий ибодат қила кўр,
Худнамолиқ била бу қилгон ибодат на бўлур?!

Ҳувайдо дунёқарашича, тақводорлик шон-шуҳрати учун намойишкорона, хўжакўрсинга ибодат қилиш худнамолик — ўзини кўрсатиш, кўз-кўз қилишдир. Бундай хулқ-атвор билан ёр — Оллоҳ муҳаббатига сазовор бўлиш мумкин эмас. Ернинг висолига муштоқ мўмин махфий ибодат қилмоғи, нақшбандиёна услубда хуфия зикр билан шуғулланмоғи зоҳирда халқ бирла, ботинда Ҳақ бирла анжумани шавқ тузмоғи лозим. Ҳувайдо ўз дунёқарашини такомиллаштириш мақсадида тасаввуфнинг энг етакчи тариқатлари — яссавийя ҳамда нақшбандийянинг илғор инсонпарвар хусусиятларини уйғун равишда мужассамлаштиришга ҳаракат қилган.

Ғарибларнинг дилларини оғритмаслик Яссавийда асосий ғоялардан бўлса, кўнгил зикри, кўнгил зиёрати Нақшбандийнинг моҳиятини белгиловчи хусусиятлардандир. Бу маслакдагилар эътиқодича, инсон кўнгли Оллоҳга муҳаббатнинг муқаддас ошёнидир. Шунинг учун кўнгилга муносабат — Аллоҳга муносабатдай баҳоланади. Навоий Оллоҳнинг муҳаббати барҳаёт кўнгилни шод этиш савобини бундай улуғлайди:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирини шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Навоий эътиқодича, ғамгин бир инсон кўнглини шодликка тўлдириш савоби шу қадар улуғки, у муқаддас зиёратгоҳ Каъба бузилиб қолса, ўшани қайтадан барпо этиш билан баробардир.

Машраб дунёқарашича, жаҳонда кўнглида Оллоҳ ёди яшайдиган ҳар инсон дилини тавоф этиб юриш керак:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар бошдини сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмасму?

Бир мўмин дилини бузиш эса юзлаб Каъбаларни вайрон этишдек гуноҳи азимдир. Зотан, бир инсон дили жароҳатланишидан юзлаб юраклар ларзага келади.

Ҳувайдо ҳам улуғ савобли ибодат — Каъба зиёрати, Ҳаж сафарининг яқин ва ўнғай йўлини кўрсатади:

Бир ғарибнинг кўнглини шод айласанг,
Йўл босиб Каъба сари бормоқ абас.

Демак, Ҳувайдо фикрича, инсонни эъзозлаш Оллоҳни эъзозлаш қадар хайли амалдир. "Йўл босиб Каъба сари бормоқ"қа имкон тополмаган мўмин ғариблар кўнглини шод айлаш билан машғул бўлар экан, Тангрига муҳаббат ва садоқатини бевосита эмас, билвосита изҳор этади. Унга Тангрининг раҳмат нурлари ҳам ўша ғарибларни сийлагани учун ёғилади.

Ислом таълимоти, Навоий ва Машраб дунёқарашидан озиқлана бориб, Ҳувайдо улуғ инсонпарвар шоир даражасига кўтарилди. Ҳувайдо гуманизмининг ҳадди аълосини кўрсатувчи шоҳбайтлардан яна бири қуйидагича:

Ғарибни кўнглини бузмак гуноҳи беадад эрмиш,
Кафорат бўлмагай юз Каъбани қайтиб бино қилсанг.

Навоий бир бузуғ кўнглини шод этишни Каъбани қайта яратишга тенглаштирган, Машраб бир дилни бузишни юзлаб Каъбани бузишга баробарлаштирган. Исломда "кафорат" тушунчаси бор. Унинг маънос қилинган гуноҳни ювиш учун эваз қайтариш демакдир. Ҳувайдонинг дилозорликка нисбатан устозларидан-да талабчан қ рашича, ғарибнинг кўнглини бузиш чексиз, ўлчамларга сиғмайдиган, ювиш учун эваз қайтариб бўлмайдиган гуноҳдир. Янгидан юз Каъба қуриб бўлса-да, бу гуноҳни ювишнинг иложи йўқ.

Тасаввуф таълимотидаги руҳ ва тан ўртасидаги қарама-қаршилик Ҳувайдо дунёқарашида ҳам муҳим ўрин тутади. Мутасаввуфларча, танга бино қўйиш, унга аро ва ором бериш руҳни ўлдиради. Руҳни ўзлик юкидан халос этиш, танпарварликни мағлуб қилиш эса инсонни маънан поклаб, чинакам илоҳий ишқнинг арши аълосига кўтаради. Ҳам танпарварликка майл билдириб, ҳам ишқ даъвосини қилиш эса айни риёнинг ўзгинасидир:

Эй, Ҳувайдо, тан семуртиб, айласанг даъвойи ишқ,
Дилда дардинг, рўйи зардинг бўлмаса, ялғон эрур.

Дилда ишқ дарди ёнган ошиқнинг чеҳраси ҳам заъфарон бўлиб, у тан семиртишга иштиёқ ва майлу рағбат сезмайди.

Ишқ йўлига кирган ошиқ жондан кечмаса, жонон висолига муяссар бўлолмайди:

Тариқи ишқ арс қўйсанг қадам, жондин гузар айлаб,
Ўлумдин илгари ўлгил, таннигни даркафан қилгил.

"Ўлимдан илгари ўлмоқ", "танни даркафан қилмоқ" ўзликни, худпарастликни мағлуб этмоқ, шайтоний нафсу ҳаво ғуруруни маҳв этмоқдир. Ўз ижодиётида эҳтирос билан куйланган мажозий ва ҳақиқий ишқнинг мурод-муддаоси, ишқдаги ўлимнинг моҳияти ҳақида Алишер Навоий бундай деган эди:

Иккисидин гарчи ошиқ ўлмаки лозим келур,
Бори ул ўлмакки, бўлгай зимнида юз минг ҳаёт.

Ҳувайдо байтининг моҳияти ҳам Навоий талқинига ҳамоҳанг. Унда умидсизлик, тушкунлик, бадбинлик, таркидунёчилик кайфиятлари эмас, балки ҳаётсеварлик, келажакка ишонч, умидворлик тамойили усти ор. "Танни даркафан қилмоқ" — вужудни дунё ҳирсу ҳаваслари чиркидан покламоқ. Покланган вужудда эса руҳ соғломлашади, қушдай енгил парвоз этади, яшаш имкониятлари очилади. Ҳувайдо айтган "ўлимдин илгари ўлмоқ" тушунчаси зимнида ҳам Навойи таърифлаган "юз минг ҳаёт" мавж уради. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг "Тазкиратул авлиёйи туркий" китобида келтирилишича, шайх Жунайд Бағдодий: "Тасаввуф улдурки, Худойи таоло сени ўзингдин ўлдириб, ўзи бирла тирилтирилғай" демишлар. Демак, "ўлимдин илгари ўлмак" замирида Оллоҳ билан тирилмоқ ҳикмати ҳам мужассам экан.

Ҳувайдовор ишқ мазҳабида манманлик, тоифаю табақа ажратиш, наслу насаб тарошлар соликни кибру ҳаво васвасасига дучор этиб, Ҳақ йўлдан оздирувчи иллатлардандир. Шоир сийрати комил ошиқнинг хулқ-атворини шундай васф этади:

Ушбу тариқи ишқ аро хўжаву шайхлиқ на суд,
Бандайи камтарин керак, ошиқи хокипо керак.

Тийнатида камтаринлик ва хокисорлик фазилатлари мужассамлашган соликкина Ҳувайдо маслагидаги ишқи комилга муяссар, маъшуқи мутлақ мурувватига сазовор бўла олади.

Ҳувайдо панд-насиҳатлари бирор инсонни камситишга йўл бермайди. У ҳар бир инсонга улуғ одамдўстлик эътиқоди, хайрихоҳ одамийлик маданияти билан муомала қилишни тарғиб этади:

Агар ҳар кимни кўрсанг "Хизр бўлгай деб тавоф айлаб
Ки, ҳафтоду ду миллат халқи бирла ошно бўлгил.

Шоир инсон ҳурмати ва қадрини шундай мартабага кўтарадики, ҳар бир одамни учратганда, Хизр алайҳиссаломга йўлиқиб қатта бахт ва давлатга муяссар бўлгандек, уни эъзозлашимиз лозим, дейди. Муҳими яна шундаки, Ҳувайдонинг инсонга муҳаббати миллат танламайди. Бу муҳаббатнинг умуминсоний ва байналмилал дастурига амал қилинса, етмиш икки миллат халқи билан дўстлашиш бахти насиб этади.

Шоир назмидаги муҳаббат тасвири боқий юзга, абадий жамолга ошуфталик ишқи ир. Ҳувайдо ҳайрати боқий дунё сирлари, сеҳру синоатларини очишдаги изланишлар самарасидир.

Боқий юзни фоний кўз бирлан кўролмассан деди,
Вах, қачон бўлгумдурур бу чашми фонийдин халос.

Дарҳақиқат, Ҳувайдо назмида ва умуман тасаввуф адабиётида мадҳ этилган манзур малоҳатини бугунги фоний дунё манфаатларига тикилган фоний кўз билан кўролмаймиз. Қачонки, омонат ва ўткинчи дунё манфаатларидан юз ўгирарканмиз, дунёпарастлик нигоҳидан воз кечарканмиз, ўшандагина кўнгил кўзлари очилади, боқий дунё манзаралари яққол намоён бўлади. Ҳаёт тилсимларини ечиш, дунёни мукаммал кўриш, ҳақиқатни теран англаш, инсоний камолот пиллапояларидан собитқадам кўтарилиши учун Ҳувайдо назмини доимий ҳамроҳимизга айлантирмоғимиз лозим.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Самарқанд виляти болалар ва ўсмирлар ижоди саройи нақкошлик тўгарагида кўплаб иқтидорли ўқувчилар бор. Сиз кўриб турган суратда Самарқанд шаҳридаги 56-мактаб тўгарак раҳбари Санобар Аннаева шогирди Ҳасан Олимов ясаган олти қиррали стулни кўздан кечирмоқда.

Р. Альбеков олган сурат.

МУАЛЛИМНИНГ ОДОБ САБОҒИ

Халқимизнинг кўп асрлик миллий қадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чуқур билмасдан миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас. Хўш, бугунги кунда уларни ўрганишга қандай эътибор берилмоқда?

Фарғона вилояти Учкўприк туманида ўқув юртлари ва мактабларда "Одобнома" дарсларини ўқитиш тажрибаларига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди. Анжуманда халқ таълими раҳбар ходимлари, файласуф ва педагог олимлар, "Одобнома" фани муаллимлари иштирок этишди.

Конференциянинг айнан Учкўприкда ўтказилишига сабаб: бу ерда мазкур фанни ўқитиш бўйича катта тажриба тўпланганидир. Йиғилиш иштирокчилари дастлаб гуруҳларга бўлиниб, тумандаги халқ таълими муассаларини кўздан кечиришди, муаллимлар билан суҳбатлашишди. Мактаб ва боғчаларда ўғил-қизларга миллий қадриятларимизни ўргатишга катта эътибор билан қаралаётганининг гувоҳи бўлишди. Жумладан, 20-ўрта мактабда "Одобнома" дарсини ўтиш учун иккита хона ажратилган. Уларнинг бирида ўғил болалар, иккинчисида қизлар шуғулланишади. Хоналар дид билан безатилган, у ердан миллий мусиқа асбоблари, миллий либослар ўрин олган. Қизлар хонасида полга палос ташланган, тўрдаги хонтахта атрофига эса кўрпачалар тўшалган. Кимхобга ўралган бешик, айниқса, машғулотларга миллий руҳ бахш этади. Шунингдек, "Табиатни асранг", "Урф-одатларимиз эъзози", "Саломлашиш одоби" каби деворий ёзувлардан "Одобнома" машғулотларига оид кўп нарсаларни ўрганиш мумкин.

"Одобнома" ўқитувчиси Қосимжон Султонов меҳмонлар таклифига биноан ёшлар ўртасидаги нозик фазилатлар хусусида гапириб берди. Муаллима Рўзихон Зиёева "Алла"ни қиёмига етказиб ижро этди. Мактаб муаллималари чиройли қилиб жиҳозланган саҳнада ўзбекона "Келин тушди", "Келин салом" ва "Бешик тўйи" каби маросимларни моҳирона намойиш этишди.

Анжуманнинг назарий қисмида сўзга чиққан муаллимлар ўзларининг "Одобнома" дарсларини ўтиш борасида орттирган тажрибалари билан ўртоқлашишди, айрим нотиқлар эса мазкур фаннинг методологик ва илмий томонлари хусусида таҳлилий фикр юритишди, таклиф-мулоҳазалар айтишди. Айниқса, "Одобнома" машғулотини 9-синфгача ўтиш, кейинги синфларда ёшларга оилавий муносабатларни ўргатиш, уларни оила қуришга тайёрлаш лозим, деган амалий таклиф кўпчиликка маъқул тушди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Баҳром Қодиров анжуман ишига якун ясаб, билдирилган айрим таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинишини айтди.

Конференция ишида Фарғона вилояти ҳокимининг муовини, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Турсунали Қурбонов қатнашди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ў мухбиримиз.

Қутлуғ остона

КЕНЖА ШОГИРД

Акмалжоннинг санъатга бўлган иштиёқи ўн беш йиллар илгари, олти ёшлигидаёқ сезилганди. Ўшанда у скрипкани қўлига олганда нозик бармоқчалари созни гоҳида измига бўйсундирса, гоҳида бу ишнинг уддасидан чиқа олмасди. Боладаги меҳр, қизиқиш уни дастлаб Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактабига, сўнг Ҳамза номидаги мусиқа ўқув юртига етаклади. Бугун эса Акмал Жабборов консерваторияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Марлис Юнусхонов раҳбарлигида мусиқа сирларини ўрганмоқда.

Кўплаб тажрибали шогирдлар етиштирган устоз санъаткор Марлис Юнусхонов бежиз Акмалга қизиқиб қолмади. Илгаридан ошлавий борди-келдилар, қолаверса, Акмалнинг мусиқа мактабида М. Аҳмедова, ўқув юртида жаҳон мусиқачилиги жамоасига жуда таниш бўлган С. Златковскаялар таҳсилини олгани қўл келди. Муаллимлар ўгитига содиқ қолиб Акмал ҳам курсдошлари ўртасида, шунингдек, консерваторияда бўлиб турадиган кўрикларда фаол қатнашади.

Марлис аканинг кенжа шогирдидан умиди катта. Ўтган беш йиллик меҳнат, интилиш самаралар ана шундай умид ва ишончга асос беради.

СУРАТДА: устоз ва шогирд Марлис Юнусхонов Акмал Жабборов ва машғулот пайтида.

Ҳ. ЭРМУҲАММАД.

Олтин ёз

МАВСУМ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Наманганликлар болаларнинг бу йилги ёзги дам олишини намунали ташкил этдилар. Мавсумда меҳнат аҳлининг 43960 нафар ўғил-қизи ҳордиқ чиқараётир. Сўлим гўшаларда уларнинг яхши дам олиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Жами 2820 тарбиячи, ташкилотчи, жисмоний тарбия, тўгарак раҳбарлари ва бошқа хизматчилар болалар атрофида парвона.

Ўқувчиларнинг вақтларини сермазмун ва қизиқарли ўтказиш учун мактабдан ташқари муассасалардан ходимлар келиб турли тўгараклар ташкил этдилар. Шахмат-шашка, мусиқа ва спорт, бадиий ҳаваскорлик, ҳунармандчилик, наққошлик тўгаракларида болалар қизиқиб шуғулланишаяпти.

Ёзнинг шукуҳбахш оқшомлари гулхан атрофида турли тадбирлар ўтказиляпти. Тоғларга, табиатнинг гўзал жойларига уюштирилаётган сайру-саёҳатлар ҳар бир болакай қалбида ўчмас из қолдирмоқда.

Шунингдек, оромгоҳларда болалар ухлайдиган, ўйнайдиган хоналар шинам қилиб безатилган. Ҳар бир оромгоҳда кутубхона ва тиббиёт пунктлари мавжуд. Волейбол, баскетбол, футбол майдончаларида болакайлар мириқиб спорт турлари билан шуғулланяптилар. Кунига тўрт маҳал тўйимли овқат тайёрланаяпти.

Дам олиш масканларидаги ҳар бир иш пухта режа асосида тартиб билан юритилаётир.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари мунтазам равишда оромгоҳларда бўлиб қатъий назорат ўрнатдилар.

Хуллас, вилоятдаги барча оромгоҳларда болажонларимиз кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.

Н. ҚОЗОҚОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Назм дафтари

Охунжон ҲАКИМОВ

ҚУЛОҚ ТУТМА ХУШОМАДГА

Магар сен насли одамсан, бўйин берма хушомадга,
Қулоқ тутма хушомадгўй аҳли қилган башоратга.

Хушомад — макр ила Раҳмон либосин кийган шайтондир,
Сани маҳкум айлагай у ҳар қадамда маломатга.

Бир малаксиймо мисоли карашма, жилвалар бирла
Беҳиштнинг боғига юр деб, етаклайди ҳалокатга.

Ҳақиқат қайда хор бўлса, хушомад устивор бўлса,
Агарчи тилло кони бор, киши етмас саодатга.

Ширин-шаккар хушомадлар тубинда заҳру оғу бор,
Унинг сирти зару зарҳал ва ле, йўлдош қабоҳатга.

Хушомад аҳлидан қочгил, Охунжон, зарра ақлинг бор,
Магар у домига тортса, кунинг қолгай қиёматга.

ОМОНАТ

Имонинг бут эрмас эса, омадинг омонат,
Давронларинг, ёронларинг, роҳатинг омонат.

Кибрларинг устун юрса диёнатингдан,
Довруғларинг омонатдир, қудратинг омонат.

Давлат магар, осон келса, осон кетмоғи бор,
Манглай теринг тўкмай топган давлатинг омонат.

Бошингни кўп баланд тутма донсиз бошоқ мисол,
Англаб етким, санинг бундоқ сувратинг омонат.

Донишларга тақлид қилиб, доно бўлдим дема,
Ўзгалардан тилаб олган хиспатинг омонат...

Не тиласанг, бир эгамдан тила, Охунжон,
Бўлмасин эл аро қадру қимматинг омонат.

КЎЗГУГА БОҚИНГ...

Кўзгуга боқинг, э санам, бир қизни кўрасиз,
Бир пари пайкар, кўзлари юлдузни кўрасиз.

Не-не малаклар ичра малак, хилқати ноёб,
Нигоҳлари шўх, қошлари қундузни кўрасиз.

Қирмизман дея қирмизи гул қирмизланмасин,
Қирмиз олмадан қирмизроқ юзини кўрасиз.

Бу латофату кўрку чирой кимда бор, ҳай-ҳай,
Кўзгу аксида покиза наргизни кўрасиз.

Кўзгудаги гул ким дея ҳайрона бўлманг,
Бул оинада, э гўзал, сиз ўзни кўрасиз.

Оёқ остига ҳам бир боқинг дейди Охунжон,
Пойингизда сиз тупроқнимас, бизни кўрасиз.

ЎРНИГА

Ким алафга қўл чўзар гули муаттар ўрнига,
Хўб деюр ким хору хасни дурру гавҳар ўрнига?

Кунни тундан фарқ этолмай гангимиш қай гўстоҳ,
Қай кўнгил истар сополни тоза мармар ўрнига?

Ки, шаютон бирла Раҳмон ниятин англаб етинг,
Қай киши кўлмакни ичгай оби кавсар ўрнига?

Дур эрур бу она тупроқ, дурдайин билгил уни,
Қўнмасин боғингга зоғ оппоқ кабутар ўрнига.

Эл-улус дардини олса, қайси мард, омад тила,
Келмасин ғаддору номард мардона сарвар ўрнига,.

Бу жаҳоннинг ишларин бузмоқ осон, тузмоқ қийин,
Не бўлур қўйса ўзин темирчи заргар ўрнига?

Кўзни оч, англа элим, ёлғон надир, алдов надир,
Билки, бол бермас илон инсонга заҳар ўрнига.

МУРОДИМ БУКИМ...

Пинҳона тутиб уқубату дил ярасин-да
Мардлар асрагай мардлигини кўз қорасинда.

Мардлик беназир, олиймақом инъоми илоҳ,
Марднинг наъраси бўлмагай шерлар наърасинда.

Мардлик бу камёб бир фазилат, чунки мўмнё
Йўлларида эмас, битадир тоғлар дарасинда.

Довруқ тиламас мард киши бу дунёда минбад,
Булбул ҳам ахир розин деюр барг орасинда...

Юртнинг юкига мардларгина кифт тута билгай
Номард танимас танг кунда дўсту жўрасин-да.

Кўксига урриб мардман деган мардмас, Охунжон,
Муродим буким, юрсайдим мардлар сирасинда.

ШАРҚОНАДИР

Ул хулқи хуш санамнинг ҳаёси шарқонадир,
Қошлар остида чашми сиёси шарқонадир.

Қизил гул новдасидек нозик қомати бирла
Оҳанрабо мисоли ороси шарқонадир.

Кўрку ҳусни бунча бисёр берибдир тангрим,
Ол чеҳрасин жилваю жилоси шарқонадир.

Идроку ҳусну зако сиймосида жам эркан
Ҳар бир сўзу суханин маъноси шарқонадир.

Арзу ҳолимни нечун тинглашни истамайдир,
Бошимга тушган ишқин савдоси шарқонадир?

Шарқда гўзал холи учун юртлар қилингай инъом,
Бу санамнинг, эҳтимол, баҳоси шарқонадир?

Холи учун Охунжон шаҳар беролмас, ва ле,
Васлин тилаб қилгувчи дуоси шарқонадир...

ШАЙДО ЎЗИМ

Бу ёруғ дунёга, дўстлар, келмадим дунё дея,
Кезмадим рўйи заминни дур дея, тилло дея.

Ким ёмон эрса, ёмон деб, жабрини тортдим неча
Ўтди умрим, тошни тош деб, кимёни кимё дея.

Аҳли донишлардан олдим чин садоқатдан сабоқ
Шунда дур, шунда саодат, шундадир маъно дея.

Тил ила кўнгли бўлакдан рўшнолик топмадим,
Сўзи болдан эрса гарчанд англадим рўё дея.

Жаннату беҳиштмисол элу диёр бисёр, ва ле,
Мен биларман Ўзбекистон тупроғин танҳо дея.

Эй диёр, ўғлонларинг шамшир дамига ўхшасин,
Яйрайин янги Темурлар бўлдилар пайдо дея!

Тингла, Турон, тингла, юртим, бир нидо айлар дилим:
Борми, айт, Сенга Охундек ошиқу шайдо дея!

Қутлаймиз!

Азиз отажонимиз Хайрулла Тўраев!

Қирқ йилдирки, Яккабоғ туманидаги турли корхона ва тарбия муассасаларида ўз тажрибаларингизни ёшларга улашиб келасиз. Айни пайтда ҳам "Одобнома" фанини юксалтиришда, ёшлар қалбига сингдиришда ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатмоқдасиз.

Таваллуд топган кунингизнинг 60 йиллиги билан муборакбод этамиз.

Фарзандларингиз Нурхон, Баҳодир, Ҳусниддин, Илҳомжон, Нодирахон, Орифжон, Тозагул, Аслиддин, турмушдошингиз Зайнабхон.

Қадрли устоз Овла БОБОҚУЛОВ!



Шаҳрисабз тумани Қори-Ниёзий номидаги 69-мактаб жамоаси Сизни таваллудингизга 60 йил тўлиши муносабати билан чин қалбдан самимий табриклайди. Сизга шу улуғ сана муносабати билан узоқ умр, бахту саодат ва илм равнақи йўлидаги эзгу ишларингизга ривож тилаб қолади.

Ҳурматли Сирож БЕКМУРОДОВ!

40 йилдирки, ҳадсиз-ҳудудсиз илм уммони бўсағасидан эндигина ҳатлаган болакайларни фаннинг илк сирларидан воқиф этиб келяпсиз.

Таваллудингизга 60 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Нуробод туманидаги 57-мактаб жамоаси.

Қадрдонларимиз Баҳодир ШАРИПОВ, София ҚЎЛДОШЕВА!

Туғилган кунларингиз ҳамда турмуш қурганларингизга 15 йил тўлиши муносабати билан биз Сизга қалбимиз тўрида авайлаб юрган энг эзгу тилакларимизни бахшида этамиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлингизлар.

Фарзандларингиз: Азамат, Ризамат, Юлдузхон, Қундузхон ҳамда Ромитан туманидаги Улуғбек номидаги мактаб жамоаси.

Ҳурматли Ҳўжаниёз БОБОНИЁЗОВ!

Сизни 60 ёшингиз ва меҳнат фаолиятингизнинг 40 йиллиги билан чин дилдан табриклаймиз. Жамиятимиз бахт-саодати йўлида ёшларга таълим бериб, қалб қўрингиз, меҳр нурингиздан уларни баҳраманд этиб келяпсиз.

Меҳнатингизнинг роҳатини, эккан ниҳолларингизнинг ҳосилини кўринг, доимо соғ бўлинг!

Қадрдон дўстларингиз!

Меҳрибон онажонимиз Оминахон ЙЎЛДОШЕВА!

Сизни 61 ёшингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Дунёнинг барча эзгуликлари ҳамроҳингиз бўлсин. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг.

Эҳтиром ила фарзандларингиз.
Тошкент шаҳри.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЕНГАШ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан мактабларда она тили таълимини тубдан ўзгартириш, уни замон талаблари даражасига кўтариш тақозо қилинаётир. Жиззах вилояти халқ таълим бошқармаси ҳамда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими томонидан ташкил этилган илмий-амалий кенгаш шу масалага бағишланди.

Унда тил ҳаётимиз кўзгуси эканлиги, Давлат тили тўғрисидаги қонун"ни бажаришда ўқитувчининг ўрни, унга қўйиладиган талаблар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Қатор муаммолар муқокама этилиб, келгуси режа ва вазифалар белгиланди. Шунингдек, анжуманни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Кенгашда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б. Шарипов қатнашди.

Гулсара РАҲМАТОВА,
Арнасой туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси.

1994 йил — оила йили

"БОҒЛАБ ҚЎЙГАН ЭМАС БОЛАЛАРНИ ҲАМ..."

Кимнинг ёш боласи бўлса, унга ёш бола каби муомала қилсин.
Ҳадисдан.

"Отанг сени сотганда ҳам..." сарлавҳали мақолам матбуотда эълон қилинганидан кейин бир толибам ҳузуримга келиб: "Домла, оталарни ҳурмат қилиш лозимлиги ҳақида куюниб ёзибсиз. Умуман, шундай мазмундаги мақолаларни кўп ўқиймиз. Аммо оталар ҳам болаларга меҳр-шафқат кўрсатишлари керак-ку! Оталарнинг ўз фарзандлари олдидаги бурчлари, уларга қиладиган муомаласи ҳақида нега жуда кам ёзилади? Иложи бўлса, шу ҳақда ўз фикрларингизни билдирсангиз..." деб қолди.

Толибанинг бу саволига жавоб топиш учун бир қатор китобларни қайта қўлга олишга, янги манбаларни кўриб чиқишга тўғри келди. Маълум бўлишича, аждодларимизнинг катталарни ҳурмат қилиш ҳақидаги фикрлари кичикларни иззат қилиш тўғрисидаги фикрларига қараганда анчагина кўп экан. Бунинг асосий сабабларидан бири яна ўша шарқона удумларимизга бориб тақалади. Чунки мусулмон халқларида катта ёшдаги кишиларга, айниқса, оталарга насиҳат қилиш одобдан саналмайди. Аммо "Ақл ёшда эмас — бошда" деганларидек, инсон бир умр — бешикдан то қабргача ўрганиб яшайди. Зеро "Аввал биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади" (Я. Райнис). Шунинг учун бўлса керак, америкалик психолог Роберт Стромнинг "Қандай қилиб бува бўлиш мумкин?" деб аталган ҳафталик курси тезда оммалашиб кетди.

Ҳа, инсон, у хатто ўз боланг бўлган тақдирда ҳам ғаройиб бир синоатки, унинг қалбига ҳар доим ҳам тўғри йўл топиб бўлавермайди. Бунинг учун болаларни дунёга келтиришдан ташқари уларни бир умр севиш ва тинимсиз мулоқотда бўлишга тўғри келади.

Хўш, шундай экан, ота ва бола мулоқоти қачондан бошланади? Ота ўз боласини қачондан бошлаб тарбия қилишга киришади?

Халқимизда фарзандга меҳр-муҳаббат, уни қадрлаш онада нишона кўринган чоғданоқ талаб этилган. Чунончи, ҳомила пайдо бўлгач, муайян муддатдан бошлаб эркакнинг аёлга қўпол муомала қилмаслиги, аччиқ сўз айтмаслиги, аксинча, яхши ниятлар, завқли қўшиқлар, мароқли латифалар айтиб, аёл кўнглини кўтариши шарт бўлган. Бола туғилгач эса қулоғига азон айтиш билан унинг мурғак қалбига илк бор Яратганнинг номи ва мусулмон оҳангларини муҳрлаш удум бўлган. Шунингдек, чақалоққа чиройли, муносиб исм қўйиш ҳам ота-онанинг фарзанд олдидаги энг муқаддас бурчларидан ҳисобланган. Чунки ота-оналар томонидан қўйилган исм жамиятнинг янги аъзоси бир умр такрор-такрор эшитадиган ва ҳар гал кулоғига чалинганида уни мана шу номга мослаштириб турадиган муқаддас, даъваткор сўзга айланади.

Шундай қилиб, оилада фарзанд туғилди. Кунлар, ойлар ўтиб у улғайиб, дадажонисининг ишдан келишини сабрсизлик билан кутадиган ва:

— Менга нима опкелдиз? — дея сўроққа тутадиган ширинтойга айланади. Оталар ва фарзандлар ўртасидаги ростакам мулоқот бошланади.

Шундай кезларда ширинтойингизга...

— Сенга ҳар куни бирор нарса олиб келавераманми? Қоч, ишдан чарчаб келдим!— дея ўшқирманг. Зеро, ҳар қандай бола учун ўз отасидан кўра зўрроқ, кучлироқ, ақллироқ ва бойроқ одам бўлмайди дунёда.

Шундай экан, ишдан қайтишингизда болаларингизга нимадир олиб келинг. Ўз емиш насибангиздан уларга бўлиб беринг, қучоғингизга олиб, бошларини силанг. Ишонингки, мурғақлигида меҳрибонлик кўрган бола ёмон одам бўлиб етишмайди. Аммо биз кўпинча аксини қиламиз — тарбияни қаттиққўллик, тинимсиз тергаб туриш деб тушунамиз. "Нега чойни тўқдинг?", "Овқатни чаппиллатиб ема!", "Нега лаллаясан?!" тарзидаги танбеҳларимиз болаларга салбий таъсир кўрсатади. Ҳадеб "лапашанг" деган ҳақорат эшитадиган боланинг онгига "чиндан ҳам лапашанг эканман-да" деган фикр ўрнашиб қолади ва у росмана лапашангга айланади. Оқибатда мустақил иш бошлашдан чўчийдиган, қўйдай ювош бўлиб қолади.

Айниқса, ўсмир ёшидаги болалар билан мулоқотда хушёрроқ бўлишга тўғри келади. Бу пайтда унинг шахси, ғурури айни шаклланиш палласига кирган бўлади. Шунинг учун боланинг шахсиятига тегадига гап айтиш, кўпчилик олдида изза қилишдан жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Акс ҳолда, ўйламай айтилган бир оғиз сўз туфайли кўнгилсиз воқеалар рўй бериши ҳеч гап эмас. Ана шуни яхши англаган ота-боболаримиз ўсмирлар билан тарбия бобида алоҳида ва ҳоли жойда суҳбат қурганлар. Суҳбат мазмуни бошқалардан сир тутилган. Ҳозир эса болалар шахсини ҳурмат қилиш у ёқда турсин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабат тобора анячли тус олиб бормоқда.

Бу нафақат миллий, балки умумбашарий муаммога айланиб қолмоқда. Британиялик ота-оналар ўртасида "Болаларни калтаклаш керакми?" мазмунида берилган саволга қатнашчиларнинг 90 фоизи албатта калтаклаш керак, деган жавобни айтган. Шуниси қизиққи, саволжавоб вақтида аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ баджаҳл эканликларини намойиш этдилар. Тадқиқотда қатнашган оналарнинг 95 фоизи ўз боласини калтаклашини тан олди.

Биз эса ўз дилбанди учун жонини беришга ҳам тайёр турадиган боболар авлоди эканлигимизни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Бунинг ёрқин далили сифатида улуғ бобомиз Бобур мирзо ҳаётида рўй берган бир воқеани эсга олишимизнинг ўзи кифоя... Ҳали 49 ёшга ҳам тўлмаган, шуҳрати дунёга кетган, халқ орасида "Гозий", яъни "Енгилмас" деган юксак унвон олган шоҳ Бобур ўғли Ҳумоюнга табибларнинг муолажалари фойда бермаётганига ақли етганидан кейин ўғли учун ўз жонини қурбон қилишга аҳд қилади. Бу ҳақда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим шундай ёзади: "Саройнинг неча уламойи каромлари подшо ҳазратларини бу қароридан қайтишга ундадилар. Лекин отам кўнмадилар... Кўнгиллари ул ҳазратни олий қурбонликка ундар эди. Йиғлаб, кўз ёши тўкаётган сарой ходимлари орасидан ўтиб, Муҳаммад Ҳумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшакда оғир иситмада қуйиб, ҳолдан тойиб ётардилар. Отам унинг бошига бориб, қўлларини дуога очдилар. Сўнг вазмин қадам ташлаб, унинг атрофида уч карра айландилар. Такрор-такрор дедиларким: "Ё, Оллоҳи Карим, унинг дардини менга бергин!.. Унга келган бало менга урсин!.." Сўнг ҳазратнинг йиғи аралаш шу сўзлари эшитилди: "Берган садақам қабул бўлди!.. Ниятимга етдим!.. Муродимга етишдим!.. Оллоҳи Карим тилагимни қабул айлади!..". Фалакнинг ишини қарангки, шу тариқа Ҳумоюн соғая, Бобур мирзо эса бетоблана бошлайди ва икки ой ўтгач, вафот этади...

Ҳа, оталарнинг болалар олдидаги бурчлари, уларга қиладиган муомаласи ҳам болаларнинг оталари олдидаги бурч ва қарзларидан унчалик катта фарқ қилмайди. Зеро, бугунги болалар — эртанги оталардир. Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов башорат қилганидек, ҳаёт деб аталмиш "шиддат-ла тортилган камон" уларни ҳам бир умр болалик оламига боғлаб қўйган эмас:

Оталар боладан ранжиса озроқ
Гохида шундайин сўзни дейдилар:
— Болам, кексаларни қадрла кўпроқ,
Боғлаб қўйган эмас бизни, дейдилар.
Кекса дилингизга тушмасин титроқ,
Оталар, чайқалиб турибди олам.
Сиз ҳам болаларни қадрланг кўпроқ —
Боғлаб қўйган эмас болаларни ҳам...

СИДДИҚ МЎМИН,
филология фанлари номзоди.

ТАБИАТ БАЙРАМИ

Денов туманидаги ёш табиатшунослар масканида 1982 йилдан бери гуллар ва қушлар байрами ўтказиб келинади. Бу йилги байрамда ҳаваскор гулчилар ва қушсевар ўқувчилар ва ўқитувчилар, ота-оналар, шунингдек, туман ҳокими Т. Менглиев, район халқ таълими бўлими мудири А. Жалилов, шоир Н. Нарзуллаев, профессор М. Муродов, "Сирли олам" журнали бош муҳаррири Ҳ. Шайхов иштирок этдилар.

Кўрик-танловда 27-, 24-, 48-мактаблар жамоалари голиб деб топилди. Ғолибларга туман ҳокимининг пул мукофотлари, халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиги, "ЭКОСАН" Халқаро жамғармасининг дипломлари, вилоят ёшлар иттифоқининг ёрлиқлари топширилди.

Э. ТУРДИҚУЛОВ.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси халқ таълими Бош бошқармаси фан ва халқ таълими ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, туман халқ таълими бўлимлари ва шаҳар педагогика жамоалари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Х. Қ. Йўлдошевга акаси

Ҳабибулла ҚАЮМОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокими ижроия маҳкамасининг халқ таълими бўлими, фан ходимлари касаба уюшмаси, 270-мактаб жамоаси шу мактабнинг фахрий ўқитувчиси

Алдиёр ҚОЛДИБОЕВ

вафоти муносабати билан марҳ нинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6